

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари

ва ҳуқуқ таълими

Ҳайитов Ўткир Эшпўлатович

**“XIX асрнинг охири- XX аср бошларида
Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг
ижтимоий-маданий ҳаётга таъсири
(матбуот мисолида)” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: Хўжанова Т.

Термиз – 2014

**XIX асрнинг охири- XX аср бошларида Туркистонда
жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-маданий ҳаётга таъсири
(матбуот мисолида)**

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....

**I БОБ. Жаид маърифатпарварлигининг сиёсий муҳит ва ўзбек
маданияти ривожига қўшган ҳиссаси**

- 1.1. Жаидчилик ҳаракати ва унинг сиёсий муҳитга таъсири.....
- 1.2. Жаид маърифатпарварлиги ва театр.....

**II БОБ. Жаид матбуотининг Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётига
таъсири**

- 2.1. Жаид матбуоти ва адабиётининг миллий маданиятимиз ривожигаги
ўрни ва роли.....
- 2.2. Тошкент жаид матбуоти (“Тараққий”, ”Хуршид”, ”Тужжор”
газеталари мисолида).....

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

К И Р И Ш

“Асримиз бошларида жаидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, кироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини эслайлик”.

Ислом Каримов.

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»¹. Тарихни ёритишда бирёқламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади».²

Президентимиз ҳар бир ўзбек фарзанди «менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган»³ деган саволларни ўзига-ўзи бериши кераклигини қайта-қайта уқтиради. Бу масалада «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми?»⁴ деган зарурий саволни беради ва шўролар даврида, ўзгалар ёзиб берган, сохта ғоялар асосида ёзилган тарихни қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 134-бет.

² Каримов И.А. Ўша асар. 134-бет.

³ Каримов И.А. Ўша асар. 136-бет.

⁴ Каримов И.А. Ўша асар. 137-бет.

Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши, халқимизнинг минг йиллик орзусининг амалга ошиши бўлди. Президентимиз И.А.Каримов мустақил тараққиёт йўлининг ижодкори ва раҳнамоси сифатида тарих фани, унинг ўтмиши, бугунги аҳволи ва келажак истиқболини чуқур таҳлил этиб, бу йўналишда жамиятшунос олимлар олдига қатор вазифалар қўйди.

Ушбу вазифалардан энг муҳими – янги жамиятни ислоҳ қилиш, янгилаш ҳозирги давр талаби асосида янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғояларини чуқурроқ сингдиришдир. Бунинг учун ёшларимиз, ватандошларимиз ўтмиш тарихимизни билишлари керак, аجدодларимиз ким бўлган? кимларнинг аجدодларимиз ва келажакда ким бўлишимиз керак, бу кўҳна заминдаги ўрнимиз қандай бўлган ва қандай бўлишимиз лозим? деган саволларга жавоб бериши керак. Бу ўзлигимизни билиш, англаш демакдир.

И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» дегани ўтмиш тарихимизни билмасдан, келажакимизни тасаввур қила олмаймиз дегани. Христиан фалсафаси асосчиси А.Августин (354-430 йй) бундан 1600 йил олдин шундай деган эди: «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун, аввало унинг тарихини уйғот». XII аср буюк алломаси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий ёзади:

Кимки тутмас қалбида тарихни,

У инсон эмас, олим ҳам эмас.

Бироқ кимки уқса ўтмишни,

Кўп бойитар ўз турмушини.

Янгиликка, ислохотчиликка интилувчи, янгилик яратувчи фаолияти билан машғул бўлган тараққийпарвар, илғор руҳдаги зиёлилар тарихда

«жадид» деб номланади. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши бевосита ўша даврдаги ички ҳамда ташқи иқтисодий ва халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муҳит ва тарихий вазият билан боғлиқ эди.

Жадидчилик ҳаракати ва унинг намоёндалари ўз мақсад-моҳиятига кўра, дастлабки кундан бошлаб маданий-маърифий, сиёсий ислохотчиликни бош мақсад ва вазифа қилиб қўяди. Туркистонлик жадидлар ўз ҳаракатида Ватанни озод ва обод қилиш, халқни ва миллатни ҳурриятга олиб чиқиш, тўқ ва фаровон, маданиятли ва маърифатли қилишга асосий эътиборни қаратдилар. Туркистонликлар кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги сабабли Рус босқинчилари урушда енгиб, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бўйсундирилди, лекин, ақлан, руҳан ва маънавий жиҳатдан чоризмга бош эгмади ва тўхтовсиз миллий озодлик курашини то мустақилликкача олиб боришди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ишни тайёрлашда асосан мустақиллик йилларида нашр қилинган мавзуга оид: Профессор Р.Шамсутдиновнинг “Тарихий меросимизга бир назар” (Андижон. «Мерос», 1994); “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” (Т., «Шарқ».2001), Шухрат Ризаев “Жадид драмаси” (Т.Шарқ, 1997); «Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақил тараққиёт учун кураш». (Тошкент, «Университет», 1999.), «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» («Шарқ», Т., 2000), “Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик)” (Т., «Маънавият», 2001), “Ватан тарихи. Иккинчи китоб (XVI-XX аср бошлари)” Т.: Шарқ 2003) каби тадқиқотлардан фойдаланилди.

Мавзуни илмий янгиллиги: Жадидчилик масаласида тамомила янгича талқинлар, ҳолисона ёндошувлар ҳақида бир қатор монографиялар, илмий мақолалар яратилди. Жадидчилик ҳаракатининг пешқадамлари ҳаёти

ва фаолияти (М. Бехбудий, А.Фитрат, Мунаввар Қори Абдурашидов) ҳақида эълон этилган мақолалар ҳам жадинчилик тарихини ўрганишга, уларнинг миллий маданиятимизни ривожланишига, равнақ топишидаги хизматларини англашимизда маълум ҳисса бўлиб қўшилди.

Бу мавзуни чуқур ўрганишда жадинлар қолдирган меросни, манбани, улар фаолияти билан нимаики боғланган бўлса, барисини холисона ўрганиш, шунингдек улар томонидан нашр қилинган рўзномаларнинг мазмуни, руҳи синчковлик билан ўрганилиб, таҳлил этилиши ҳам муҳимдир.

Уларнинг ҳалқимиз, ватанимиз шон-шухрати, истиқлоли учун курашдаги катта хизматлари эъзозланиши, қадрланиши, ҳозирги ва келгуси авлодлар қалбида чуқур из қолдириши керак. Айниқса, жадинларнинг миллий маданиятимиз равнақидаги хизматлари беқиёс бўлган.

Исмоил Гаспирали йўлга қўйган “усули жадин” мактабларини Туркистонда қарор топтиришда, уларни дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашда жадинлар жонбозлик кўрсатди. Улар янги типдаги мактабларнинг миллий-маданий тараққиётимизда муҳим омил бўла олиши мумкинлиги ҳақида матбуот орқали халққа тушунтириш бериб бордилар.

Зиёлиларнинг ҳар бир алоҳида қатлами ўзларининг бутун кучини аҳолининг маданий савиясини кўтаришга ҳамда давлат аппаратини миллий кишилар билан кучайтиришга даъват қилди.

XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати намоёндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишмаган. Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганликлари учун биро маош тўламаган. Улар ўт билан ўйнашаётганликларини, истибдодга қарши курашаётганликлари учун аёвсиз жазоланишларини олдидадан яхши билишган. Билатуриб, онгли

равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга давъат этган⁵.

Ўзбек тарихшунослигида жади́дчи́лик ҳаракати тарихининг кўплаб масалалари бугунги кун талаблари даражасида ўрганилди. Бироқ бу ҳаракатнинг ўрганилиши керак бўлган қирралари кўп. Шулардан бири, жади́длар- зиёлиларимизнинг миллий маданиятни ривожлантириш, халқни саводли қилиш, миллий театр, миллий матбуот, фан ривожига хизматлари, фидойиликларини холисона ёритиш масаласидир.

БМИнинг мақсади. Мазкур битирув малакавий ишда жади́д зиёлиларнинг миллий маданиятимиз ривожига фаолиятини, халқни маърифатли қилиш борасида амалга оширган ишлари, жади́д мактаблари, улар ташкил этган турли жамиятлар, жади́д театри, жади́д матбуоти, ҳокимият тизимида турли лавозимларни эгаллаб миллий ғурур, миллий маданият учун кураш олиб борганликлари мавжуд манбалар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Битирув-малакавий ишнинг илмий аҳамияти. Жади́дчи́лик ҳаракати ўз мақсад ва моҳиятига кўра, дастлабки ҳаракатидан бошлаб маданий - маърифий ва сиёсий ислохотлар қилишга киришган. Жади́длар она Ватанни озод ва обод қилиш, миллат ва халқни ҳурриятга, мустақилликка олиб, чиқиш, тўқ ва фаровон, маданиятли, ўқимишли, саводхон, илмли қилиш учун бутун куч ва эътиборини маданий-маърифий ишларга бағишладилар. Тарихдан шу нарса маълумки, халқимиз кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги туфайли Чоризмнинг мустамлакачилик урушида енгилди, сиёсий жиҳатдан, иқтисодий жиҳатдан бўйсундирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик учун кураш тарихи бундан 130 йил аввал бошланган. Аждоларимиз, ватанпарварларимиз Чор Россияси

⁵ И.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Шарқ, 1998 йил, 8-бет.

бостириб келган кундан бошлаб уларга қарши турганлиги аниқ. Айниқса, зиёлилар, жаидлар ғоявий ва мафкуравий курашларда ўзларининг теранлиги билан оламни лол қолдирган. В. И. Ленин «Биз коммунизм қурамыз, Россиядаги мусулмонлар ўз тақдирини ўзлари ҳал қиладилар» - деб дунёга жар солганди, 1920 йил Бокудаги Шарқ халқлари қурултойида Т.Норбўтабеков шундай деган: Шўролар моҳият эътибори билан «Коммунизм ниқоби остида ишлаётган замонавий мустамлакачилар»дир. Бу тўғри, ҳақ гап тарихда исботини топди.

Президентимиз И.Каримов айтганидек, «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур»⁶. Жаидлар ҳаёти ва тарихи ёшларимизни ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Битирув малакавий ишнинг тузулиши: битирув малакавий иши кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

⁶Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., «Шарқ» 1998.

I БОБ. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛИГИНИНГ СИЁСІЙ МУҲИТ ВА ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

1.1. Жадидчилик ҳаракати ва унинг сиёсий муҳитга таъсири

Шўролар ҳукмронлиги даврида коммунистик мафкура, маъмурий - буйруқбозлик сиёсати туфайли она - юртимиз, халкимиз тарихи унинг саҳифаларини "қора доғлар"га бўяб, бузиб ёзилди. Ана шу тарих саҳифаларидан бири жадидчилик тарихидир. Мустақиллик шарофати билан жадидчилик тарихини бугунги кунда кўплаб тадқиқотчилар зўр фидойилик билан ўрганмоқдалар, рисоалар, тўпламлар, мақолалар эълон қилмоқдалар. Бундай тадқиқотларни ўзбек халқи салкам бир аср давомида зориқиб кутган эди.

Шўролар даврида жадидчилик ҳақида мақолалар эълон қилинса, ёки бирон фикр билдирилса, сиёсатчилар тезда буни таҳлил қилишиб, бу советларга қарши аксил - инқилобий, ғоявий ҳаракат, миллатчилик, исломчилик, туркчилик деб сохта баҳолашдилар. Тарихдан маълумки, янгилик доимо эскилик устидан ғалаба қилишда қарама-қаршиликларга, катта иқтисодий, сиёсий, ғоявий, маънавий ва маданий курашларга дуч келади. Эскилик осонликча ўз ўрниини янгиликка бўшатиб бермайди.

Жадидчилик янгилик яратувчилик, ижобий фаолият билан боғлиқ бўлган илғор зиёлилар, тараққийпарвар кучлар, илм - маърифат ва маданиятни юксалтиришдаги янгиликлари, ислохотчилик ҳаракатлари билан боғлиқ. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши бевосита XIX аср охири XX аср бошида юз берган ички ҳамда ташқи халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий вазият ва юз берган сиёсий воқеалар билан боғлиқ.

Мустамлакачиларнинг бош мақсади, халқни мутлоқ, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам руҳан қарам қилишдан иборат эди. XIX аср охири XX аср бошида Туркистон жуда оғир сиёсий, иқтисодий ва маданий

вазиятни бошидан кечирди. Асрлар оша такомил топиб келган миллий давлатчилик тугатилиб, сиёсий эркинлик барҳам топиши билан миллий ўлим, яъни миллатнинг ўзлигини йўқотиш хавфи пайдо бўлди. Бу юзага келган машъум ҳолатнинг гувоҳи бўлган шарқшупос олим Н.Н.Веселовский (1848-1918) ёзади. "Биз Туркистонга маданият олиб келдик деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиёликларга тинчлик ва осойишталик бердик деб ўзимизни овутамиз. Аммо буларда бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир.

Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлишида Қримлик Исмоилбек Гаспиралининг (1851-1914 йй) хизмати катта бўлди.. У Қримда 1880-йиллардаёқ Россия босиб олган мусулмон халқлари орасида биринчилардан бўлиб жадидчилик ғоясини кўтариб чиққанлардан эди. Унинг рус ва туркий тилларда чоп этилган "Таржимон" (1883-1914 йй) газетаси, "Россия мусулмонлиги" (1881 йил), "Оврўпо маданиятига бир назар мувозини" (1885 йил) ва бошқа жадид мактаблари учун ёзган дарслик ва қўлланмалари Туркистонга кириб келди⁷.

У 1884 йил "Таржимон" газетаси орқали мусулмонларга шундай мурожаат қилади: "Суюкли дўстларим бизнинг учун энг гўзал иш, илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маърифатга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация)га етишиш воситасидир". У 1884 йил 12 нафар болани 40 кунда саводини чиқарган эди. И. Гаспирали 1982 йил Туркистон генерал губернатори Н. О. Розенбахга махсус мактуб билан мактабларни ислоҳ қилиш, жадид мактабларини, мадрасалардан бирини замонавий олий таълимга мослаштиришни таклиф этади. Аммо унинг таклифлари эътиборга олинмади.

⁷ Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам. -Т., "Университет", 1999 й

Шундан сўнг у 1893 йил Тошкентга келди, зиёли уламолар билан учрашди. Самарқандда, Бухорода бўлди ва "Музаффария" мактабини очди. XX аср бошига келиб Туркистонда жади́дчи́лик ҳаракати, маданий - маърифий ҳаракат сифатида кенг олиб борилди. Абдулла Авлоний ёзади "Турли газета ва журналлар ўқишга тутиндим. 1904 йил жади́длар тўдасига кирдим. Ашхабодда "усули жади́д" мактабини очиб, ўқитувчилик қила бошладим». Тарихчиларимиз, Туркистондаги жади́дчи́лик ҳаракатини икки даврга ажратадилар.

1. XIX асрнинг 90 йилларидан то 1917 йил февралигача;

2. 1917 йил февралидан то 1929 йилгача;

Ана шу даврларни ҳам бир неча босқичларга бўлишади. Масалан: биринчи даврни уч босқичга бўлишади.

1. XIX асрнинг 90 йилларидан то 1905 йилгача;

2. 1905-1907 йиллар тез ривожланган босқич.

3. 1906-1916 йиллар Чоризмнинг миллий - озодлик, демократик ва инқилобий ҳаракатларга қарши курашнинг кучайган босқичи.

Иккинчи даврни ҳам уч босқичга бўлишади.

1. 1917 йил февраль - октябрь;

2. 1917 ноябрь 1924 йиллар;

3. 1925 - 1929 йиллар босқичларига.

Туркистонда ва умуман Ўрта Осиёдаги юз берган жади́дчи́лик ҳаракатига шўролар даврида турли хил қарашлар, турли хил баҳолар берилди. Асосан шўро даври тарихи фанида жади́дчи́лик "Миллий буржуа ҳаракати", "Миллатчилик ҳаракати", "Пантуркизм ҳаракати", жади́длар эса

"Миллий буржуа синфининг мафкурачиси", "Халқ душмани" дейишдан ҳам тоймадилар.

Жадидлар ташқи сиёсат бобида Чор Россияси билан иттифокни сақлаб қолишга мойил бўлсалар, иккинчи томондан улар буржуа-демократик ғояларни тарғиб қилиш билан сиёсий мустақилликка эришишга интилдилар. 1905-1907 йиллар рус буржуа-демократик инқилобидан сўнг ёш турклар, ёш афғонлар, ёш мисрликлар каби миллий озодлик ҳаракати Осиё мамлакатларида бошланиб кетди. Бу ҳаракат натижасида бухороликлар, хиваликлар ва туркистонликларда ва рус буржуазияси зулми остидаги халқларда уйғониш юз берди.

Аслида жадидчилик маърифатпарварлик ҳаракат дастури билан вужудга келган эди, вазият ўзгариши билан тарихий шароит жадидларнинг ғоясига халқлар бирлигини, мустақиллик, озодликни байроқ қилувчи кучга айлантириб юборди.

Бу ғоялар XIX асрнинг 60-90 йилларида ўзбек халқининг руслар босқинига қарши курашларда ўз ифодасини топган эди. Чунки, руслар Ўрта Осиёда қуролли ваҳшийлик билан мустақилликни тор-мор қилди ва рус сиёсий-маърифий тизимини зўрлик билан ўрнатди. Марказий Осиёнинг эгасига айланди. Лекин, рус ҳукумати Ўрта Осиёга қилган босқинчилигини ҳеч тан олмай келди. Ёвузликларини оқлаш, яшириш учун халқаро жамоатчилик фикрини чалғитиш учун, гўёки руслар Ўрта Осиёдаги қонли урушларга, адолатсизликларга, қашшоқликка, ишсизликларга барҳам бериш, халқларга фаровон ҳаёт қуришга ёрдам берган эмиш.

XIX аср охири XX аср бошида Туркистон жуда оғир сиёсий, иқтисодий ва маданий вазиятни бошидан кечирди. Асрлар оша такомил топиб келган миллий давлатчилик тугатилиб, сиёсий эркинлик барҳам топиши билан миллий ўлим, яъни миллатнинг ўзлигини йўқотиш ҳавфи

пайдо бўлди. Бу юзага келган машъум ҳолатнинг гувоҳи бўлган шарқшунос рус олими Н.Н.Веселовский (1848-1918) ёзади.

«Биз Туркистонга маданият олиб келдик деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиёликларга тинчлик ва осойишталик бердик деб ўзимизни овутамиз. Аммо буларда бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Сиёсий ўлим (миллий давлатни йўқотиш) оғир, миллий ўлим ундан ҳам оғирроқдир. Бизнинг ҳукмронлигимизда улар (Туркистонликлар) худди шундай аҳволга тушдилар. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тққлигидан қатъий назар бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак»⁸.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон жадиidlари миллатни ўлимдан сақлаб қолиш ва истиқлолга олиб чиқиш учун ижтимоий-сиёсий, маданий маърифий тарбияни асосий омил, муҳим бир қурол даражасига кўтарди. Ана шуни жадиidlар Ватан озодлиги йўлидаги кураш ҳаракатининг олий даражаси деб билдилар. 1917 йил февраль воқеаларидан кейин Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун ҳаракат бошланди. Туркистон ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб қолди.

1917 йилнинг март - апрель ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди, десак адашмаймиз, сабаби Туркистон жадиidlари, миллий зиёлилар ва ислом уламоларининг етакчилари бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Убайдулла Хўжаев, А. Фитрат, Ф. Хўжаев, С. Айний, М. Танишбоев, Шерали Лапин, Аҳмад Закий Валидий Тўғон, О. Маҳмудов, Т. Норбўтабековлар ўлкада янги ташкил топган "Шўрои Ислomia" (1917 йил март), "Шўрои Уламо" (1917 йил, июнь), "Турон" жамиятлари ва "Турк Адами Марказият (федералистлар) фирқаси"

⁸ Ўзбекистон тарихи. «Янги аср авлоди». -Т., 2003, 359 б.

(1917 йил, июль), "Иттифоқи муслимин" (1917 йил, сентябрь) сиёсий партияларининг ташкил топишига сабаб бўлди⁹.

Натижада жаидчилик, маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига чиқди. Биргина 1917 йилнинг ўзида 4 марта Бутунтуркистон мусулмонлари курултойи ўтказилди. 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлган 1-курултойда демократик Россия таркибида Туркистон мухториятини ташкил этиш ғояси қўйилди. Бу Туркистонда ўз миллий демократик давлатчилигини тиклаш йўлидаги илк қадам эди. Туркистон мусулмонлари Марказий Советига Мустафо Чўкай раис, Закий Валидий бош котиб, Мунаввар Қори, Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев, О. Маҳмудов, Т. Норбўтабеков, И Шоаҳмедов ва бошқалар аъзо этиб сайланди¹⁰.

Натижада Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги учун тарихий аҳамиятга молик силжиш юз берди. Лекин, бирлашиш ҳаракати мақсадга мувофиқ ривожланмади. 1917 йил июнь ойида "Шўрои Исломия" ташкилотидан "Шўрои Уламо" ажралиб чиқди. Қўқон, Тошкент шаҳарларида ўз қўмиталарини тузди. Ниҳоят, 1917 йил сентябрида Тошкентда "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Турон" ташкилотлари бирлашиш йўлини тутиб, Туркистон учун умумий бўлган "Иттифоқи муслимин" сиёсий партиясини тузишга қарор қилди ва Туркистон Мухториятини тузиш масаласини ҳал қилди. Қурултой мухториятга "Туркистон Федератив Республикаси" деган номни лозим топди¹¹.

Туркистондаги ички ва ташқи сиёсатдан фойдаланган Тошкент Советига кирган большевиклар ҳокимиятни зўровонлик билан олишга ҳозирландилар. Фитрат "Хуррият" газетасида қуйидагиларни ёзган эди: «Эй Туркистон халқи мусулмонлари, тангри учун, пайғамбар учун,

⁹ Жаидчилик: ислохот, янгиланиш, мустиқлик ва таракқиёт учун кураш. -Т., «Университет», 1999, 154 б.

¹⁰ Ўша жойда. 155-156 бетлар.

¹¹ Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд.- Т., «Фан», 1993, 198-200 б.

миллат учун, дин учун, келинг, бирлашайлик, орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айрилиқлардан кўз юмайлик. Ислон динининг биринчи буйруғи бўлган қардошлик ва иттиҳод боғлари билан боғланайлик, қўлни-қўлга берайлик, ҳақ йўлида, дин йўлида, Ватан йўлида, миллат йўлида жаидимиз, қадимимиз, муллоимиз, бойимиз, бирлашайлик». Минг афсуслар бўлсинки, Фитратнинг ушбу даъватлари газетада қолиб кетди.

Ўзбекистонимизнинг истиқлолга эришиши фақатгина ижтимоий-сиёсий соҳада эмас, балки маънавий-маданий ҳаётимизда ҳам янги саҳифа очди. Биз ўз фикримизга, ўз ақлимизга, ўз мулкимизга, ўз ҳалол меҳнатимизга ўзимиз эга бўлдик. Она-Ватан тарихимизга тегишли катта-кичик, яхши-ёмон факт ва ҳодисаларни ўзгаларнинг кўзи ва ақли билан баҳолаш тугади.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий – сиёсий жараёнларда жаидлар муҳим роль ўйнаши. Уларнинг диққат марказида маърифий масалалар асосий йўналиш касб этганлигини кўрамиз. Жаидлар минтақа ҳаётини таҳлил қилиш натижасида шуни тушунчаларки, Туркистон – бу муҳиятин мустамлака ва Россия маъмуриятининг бошқарув тизими, миллий эҳтиёжларига жавоб бермайди. Бу масалалар феврал инқилоби арафасида, айниқса, кескин қўйилган. Шу йилларда янги услубдаги дунёвий таълим, миллий ўзига хосликнинг энг яхши томонларини мустаҳкамлаш, маданиятни жорий этиш учун ҳаракат жаидчилиكنинг негизига қўйилган сиёсий мустақиллик, демократик бошқарув шакллари учун кураш ғоялари билан бирга содир бўлди.

Жаидлар ривожланган жамият яратишдек ўз ғояларини амалга оширишда мутаассиблик, лоқайдлик, қоқоқликка қарши курашга алоҳида аҳамият берганлар. Бу вазифаларни амалга оширишда улар тараккийпарвар, билимни ёшларга таянганлар. Улар ўз ишларида Европа давлатлари

тараққиётга қандай йўллар билан етиб келганлигини акс эттириб, тарихий мисоллар келтирганлар. Жадиidler тил ўрганиш ва фан-техника тараққиётининг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда замонавий ҳолатининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, унинг келажагини қуйидагича тасаввур қилганлар: кучли дунёвий ҳокимият, хусусий мулкнинг дахлсизлиги. Улар қурмоқчи бўлган давлат исломга ҳурматини сақлаган ҳолда барча йўналишдаги маданиятларнинг эркин ривожланишига хайри хоҳ бўлиши лозим эди. Жадиidler халқнинг маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар давлат келажаги ёшлар қўлидалигини жуда яхши англаганлар.

1.2. Жаид маърифатпарварлиги ва театр

Ўлкада қарор топган мустамлакачилик, миллий зулм, хўрлик, жаҳолат, қолоқлик, миллий тушкунлик, шу қадар аянчли, фожиали бўлганки, ундан кутилишни ягона йўли халқни маърифатли қилиш эди. Туркистон жадиidlerи миллий, ижтимоий истибдоддан кутилиш, эркин ривожланишга эришиш маърифат орқали юз беришини яхши англаганлар. Улар ишни энг аввало маърифатчиликдан бошлаб, кенг халқ оммасини саводли қилишга, жаҳолат уйқусидан уйғотишга интилиб, янги усулдаги жаид мактаблари очди.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878-1931) Исмоил Гаспиринскийнинг ўқиш ва ўқитиш, мадраса ва мактаб ислоҳотига оид фикрларининг Туркистондаги оташин тарғиботчиларидан бири эди. У 1901-1904 йилларда қримлик дўсти Расим Кишод ёрдамида Тошкентда “усули савтия” мактабини очди. 1910 йилга келганда бундай мактаблар 10 тагача

етади. Бу мактабларда тайёргарлиги анчагина жиддий бўлган истеъдодли ёшлар ўқитувчилик қилишган¹².

Мунаввар Қори Туркистон ўлкасида биринчилар қаторида “Адиби аввал”, “Адиби соний”, “Ер юзи” (“Жуғрофия”), “Ҳавойижи диния” китобларини (1907 йилда) нашр эттирган. 1914 йилда Салим Исмоил Улвиянинг Қуръон қироати бўйича сабоқ берувчи “Тажвид”ини ўзбекчага таржима қилиб, Оренбургда нашр эттирган. “Садои Туркистон” жаридасида босилган Камий, Хислат, Сўфизода, Ҳамза каби шоирларнинг шеърларини тўплаб, “Сабзозор” номи билан чоп эттиргани маълум.

Мунаввар Қори 1913 йилдан ўз фаолиятини бошлаган “Турон труппасининг ташкилотчиларидан бўлди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги “Колизей” театри биносида ўзбек миллий театрининг биринчи очилиш маросими бўлди. Спектаклни биринчи пардасини очиш Мунаввар Қори Абдурашидхоновга топширилди. Мазкур танатанада у бундай деган эди: “Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйналғонлиги барчангизга маълумдир. Шу сабабли баъзи кишиларимиз театрга, эҳтимолки ўйинбозлик ёки масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, театрнинг асл маъноси “Ибратхона” ёки “Улуғлар мактаби” деган сўздир. Театр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса ўзининг ҳусн ва қабихини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур”.

Жадид маърифатпарварлигида Маҳмудхўжа Бехбудий янги типдаги мактабларнинг миллий-маданий тараққиётимизда муҳим омил бўла олиши мумкинлиги ҳақида ўнлаб мақолалар ёзди. “Мунтахаби Жуғрофияи умумий” (“Қисқа умумий география”), “Китобат-ул атфол” (“Болалар мактуби”), “Мухтасари тарихи ислом” (“Исломнинг қисқача тарихи”), “Амалиёти ислом”, “Мадҳали жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”), “Мухтасари жуғрофияи Русий” (“Русиянинг қисқача географияси”) каби

¹² Миллий давлатчиликни тиклаш ва озодлик учун кураш. Жадидчилик ҳаракати // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000. 342-412-бетлар.

дарсликлар яратди. Нашриёт ташкил қилиб, дарсликлар ва қўлланмалар, хариталар босиб чиқаргани маълум. Булар илк ўзбек мактаблари учун тузилган дарслик ва қўлланмалар сифатида эмас, тил-ёзув маданиятимиз тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маърифатпарвар жаидчи Абдулла Авлониё (1878-1934) ўзи очган мактаб учун тўрт қисмдан иборат “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби дарсликлар ва ўқиш китобини яратди. Мактаб-маориф ишларига кўмак кўрсатувчи “Жамияти хайрия” ташкил этди. “Нашриёт” ширкати тузиб, Хадрада “Мактаб кутубхонаси” китоб дўконини очган.

Абдулла Авлониё миллат ва юрт қайғуси билан, мамлакат истиқболи ва равнақи эзгу нияти билан яшади ва у билан нафас олди, ўз асарларида уни куйлаб тараннум этди. Бу борада Авлониёнинг қуйидаги сўзлари ғоятда ибратлидур ва худди бугунги кунда бизни уйлаб айтилган сўзларга ўхшайди:

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмакдур... Ёҳу, бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук! Яхши кўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир, демишлар. Боболаримизга етишғон ва яратган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва ахтарсак, йўқотганларни ҳам топамиз. Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди, деб Европа қалпоғини киюб, кулгу бўлмак зўр айб ва уётдур”¹³.

Абдулла Авлониё барча жаҳолатликлар, қоронғуликлар ва нодонликларнинг, миллатнинг ўзлигини англамаслигининг асосида маърифатсизлик ётишини яхши кўраолди ва у авлодларга, фарзандларга, ўғил-қизларга панду-насихатлар қилиб мактабга бориш, ўқиш, ўрганиш, илм олишга давъат этади.

¹³ Абдулла Авлониё. “Усон миллат”,... 7-бет.

Маърифатпарвар ва демократик шоир Хамза (1889-1929) Марғилон, Қўқон ва бошқа шаҳарларда меҳнаткашлар болалари учун янгича усулда мактаблар очади ва бепул уларни ўқитади.

Маориф тарқатиш, халқни илмли ва маърифатли қилиш Хамза дунёқарашининг марказида турарди. У бир эмас учта дарслик яратди: «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» ва «Қироат китоби» (1914-1915)да шеърӣ шаклда маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этса, насрда халқнинг энг яхши ақидаларини-меҳнатсеварлик, ростгуйлик, биродарлик ва зулмга нафратни ёшлар онгига сингдиради.

Халқни маърифатли қилиш ишлари Андижонда ҳам олиб борилди. 1917 йили Чўлпон томонидан эски шаҳарда «Турон кутубхонаси» очилди, унинг ёнида катта бир қироатхона ишга тушди. Хорижий манбалардан бирида шундай ёзилган: «Кенг маъруза зали бўлган бу қироатхонанинг бошқарув хайъатига Туркистон миллий бирлигининг Андижондаги вакили Хусанхон Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, Зоҳирӣ Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулхай Маҳдумлар сайландилар. Қироатхона мактаб вазифасини бажарар эди.

Жадидлар рус демократлари билан ҳамкорликда бутун Туркистонда биронта ҳам дунёвий ўқув юрти йўқлигини эътиборга олиб Фарғона водийсида олий ўқув юрти очиш масаласини Андижонга 1916 йил августида келган Давлат Думаси аъзолари А.Ф.Керенский бошлиқ вакиллар олдиға кўядилар. Шунда А.Ф.Керенский бу масалани Давлат Думасида кўриб чиқишға ваъда қилди. 1917 йил 18 феввалида уларнинг эски ва янги шаҳар зиёлилари, жамоат арбоблари, маърифатпарвар ташкилотлар вакилларининг замонавий олий ўқув юрти очишға бағишланган йиғилиши бўлди. Мажлис кечкурун соат 7.30да бошланиб тунгги 3 гача давом этди. Кўплаб нотиклар ўз сўзларида Фарғона олий техника институти очиш зарурлигини ҳар жихатдан

асосладилар. Соат 11 га бориб жамоат ташкилотлари ва айрим шахслардан институт очиш учун 40000 сўмлик хайрия фонди ташкил бўлди. Бу фондга таркибида кўплаб тараққийпарварлар бўлган маърифат хаваскорлари жамияти 5 минг сўм, миллионер, бой, жадид Аҳмадбек хожи Темирбеков 25000 сўм ҳада этдилар¹⁴.

Жадидлар халқни маърифатли қилиш мақсадида биринчи бор миллий театрлар ташкил қилдилар. Миллий зиёлилардан Убайдулла Хўжаев, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва бошқалар «Турон» жамияти туздилар. 1913 йил июнь-июль ойларида «Турон» труппаси ўзининг норасмий спектаклини кўрсатди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей театри биносида ўзбек миллий театрининг биринчи мавсуми расмий очилди.

Маҳмуджўжа Беҳудийнинг «Падаркуш» пьесаси катта муваффақият қозонди. Пьеса миллий ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этди. Тошкент труппаси бутун Фарғона водийсини айланиб чикди, ҳар бир шаҳарда театр томошаси кўйилди. «Бу вақтларда,-деб ёзганди Абдулла Авлоний,- бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам, ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди».

«Падаркуш» пьесасини Андижон жадидлари ҳам қўйишди. Бунда Акбар Ўрозалиевнинг 1917 йил 24 февралда Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга йўллаган аризаси далолат бериб турибди: «... 1914 йилнинг 6 июнида Андижон шаҳрида маҳаллий хаваскор сарт ёшлари томонидан кўнгилни хуш этувчи кеча ташкил қилинди, унда сарт тилида Маҳмуджўжа Беҳудий ёзган «Падаркуш» номли пьеса ҳам қўйилганди. Пьеса ўз мазмунига кўра чуқур ибратли эди. Ҳозирги замон сартлари жамиятнинг маънавий тушкунлигини очиб беради. Шу кечада тўпланган

¹⁴ Р.Шамсутдинов Андижон тараққийпарварлари. Андижоннома, 1999 йил, 13 август.

маблағнинг бир қисми Андижондаги эрлар прогимназияси фойдасига, қолган қисми эса кўнгилни ҳуш этувчи бошқа муассасалар фойдасига сарфланди...

Таниқли адабиётшунос Шухрат Ризаевнинг «Жадид драмаси» китобида бу ҳақда мана бу сатрлар бор: «1914 йилнинг 6 июнида Андижоннинг «Люкс» театрида ҳам «Падаркуш» фожеаси ўйналди. Бу спектакль ташаббускорлари Андижоннинг ўз кўнгилли ёшлари бўлиб, улар орасида Эшонхон Махдум, Мулла Эргаш ҳожи, Зиёиддин каби кишилар бор эди. Бу труппа яна ўша озарбайжонлик актёр ва режиссёр Алиаскар Аскарров етакчилигида тузилиб, фаолият кўрсатди. Унинг «Падаркуш» спектаклидан тушган маблағи «Садои Туркистон» жаридасининг 20-сонида ёзилишича, 1500 сўмни ташкил этиб, шундан бир қисми Андижонда қурилатган «Қизлар гимназияси»га берилган, қолган қисми эса бошқа хайрли ишларга сарфлаш мақсадида банкка қўйилган. Хабарда бошқа тафсилотлар келтирилмайди. Лекин тушган маблағнинг миқдorigа қараганда, спектаклга жуда кўп томошабин қатнашган»¹⁵.

“Турон” номли театри тўғараги кейинчалик Ҳамза томонидан ташкил этилган труппа билан қўшилиб ҳозирги бош драма театри Ҳамза номидаги ҳозирги миллий давлат академик театрига асос бўлди. Авлоний тўғарагидан кейинчалик машҳур инқилобчи ва маданият арбоблари бўлиб танилган Низомиддин Хўжаев, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Шамсиддин Шарофиддинов (Хуршид), Маннон Уйғур сингари улуғ шахслар етишиб чиқдилар. Улар жадид ёзувчилар: Махмудхўжа Бехбудий, Ҳамза, Абдулла Қодирий асарларини сахналаштирар ва асосий ролларни ўзлари ўйнар эдилар. 1916 йилда озарбайжонлик машҳур актёр Сидқий Рухилло Тошкентга келиб “Турон” группаси билан бирга “Лайли ва мажнун” спектаклини сахналаштиради. Абдулла Авлоний бу спектаклда Қайснинг

¹⁵ Р.Шамсутдинов Андижон тараққийпарварлари Андижоннома, 8 август.

отаси ролини ижро этади. Айни чокда Авлоний ўз театри учун “Пинак”(1915), “Адвокатлик осонми?” (1916) каби сахна асарлари ёзиб беради ва уларни сахналаштиради¹⁶.

20-30-йилларда жадинчилик драматургиясига Абдулхамид Чўлпон ҳам баракали ҳисса қўшди. Унинг қаламига мансуб «Чўрининг исёни», «Ҳалил фаранг», «Чўлпон севгиси», «Муштумзўр», «Ўртоқ Қаршибоев», «Хужум», «Ёрқиной» сингари драматик асарлар ўз вақтида шуҳрат топди. Бу сахна асарлари орасида энг бақувватлиси ва эътиборлиси албатта «Ёрқиной»дир. Мазкур асарни ёзишда ҳам Чўлпон ўз эътиқоди ва ғоявий дунёқарашига содиқ қолди. У ҳаётда инсон учун энг ардоқли ва улуг қадрият деб эрк ва адолат учун курашни илгари суради. «Ёрқиной» асари дунёга келган кезларда Туркистонда ҳали миллий истиқлол, эрк ва озодлик учун кураш давом этаётган эди. Ана шу жараёнда шўро мустамлакачилари ҳар куни ҳар қадамда юзлаб ва минглаб даҳшатли фожеалар ва адолатсизликларни амалга ошираётган эдилар. Чўлпон томонидан худди шу пайтда «Ёрқиной» драмасининг ёзилиши босқинчи ёвларга отилаётган нафрат ва лаънат ўқларининг ёрқин кўриниши эди.

20-йилларда жадинчилик драматургиясида ўзига хос ўрни бўлган ижодкорлардан бири Ҳ.Ҳ.Ниёзий эди. Унинг «Қаҳрамон ўғиз», «Фарғона фожеалари», «Мухторият» каби асарлари шўро адабиёти қолипидан ташқаридаги сахна асарлари эди. Шу боисдан ҳам Шўролар ҳукмронлиги даврида яратилган ўқув қўлланмаларида бу асарлар тилга ҳам олинмади. Бундан ташқари Ҳамзанинг «Тухматчилар жазоси», «Ким тўғри?», «Майсаранинг иши», «Холисхон», ва бошқа асарларни ҳам шўро драматургиясининг эмас, балки жадинчилик драматургиясининг намуналари каторидаги асарларидир. Чунки ундаги воқеа ҳодисалар талқинида социалистик реализм белгилари кўринмайди, муаллиф ҳаётий воқеа ва

¹⁶ Ш.Ризаев Жадин драмаси. Т.: Шарқ, 1997 йил 128-бет.

ходисаларни холисона ва атрофлича тасвирлайди, инсонни инсоний жозибалардан маҳрум этувчи синфийлик сифат ва ҳарактерларга мурожаат этмайди.

20-йилларда жаид ижодкорлар проза жанрида ҳам қалам тебратдилар. Натижада тарихда ўз ўрнига эга бўлган бир қатор ҳикоялар ва романлар пайдо бўлди. Булар Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» рўмонлари, «Калвак Маҳдумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди» каби ҳикоялари, С.Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Қулбобо ёки озод», Мўминжон Муҳаммаджон ўғлининг «Турмуш уринишлари» каби рўмон ва қиссалари шулар жумласидандир. Бу асарларда Туркистондаги меҳнаткаш омманинг кўп қиррали ҳаёт кечмишлари қаламга олинган, ўлканинг кечаги энг даҳшатли қоронғу ва мустамлакачилик даври ўтмиши лаънатланади.

Жаидчилик ҳаракатининг асосий ёрдамчиси сифатида жаид адабиёти юзага келиб, рус истибдодига қарши курашда фаол қатнашди. Бухорода Аҳмаджон Маҳдум, С.Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Абдулвоҳид Рафт Маҳдум «Тарбияи атфол» номли яширин жамият ташкил топди. Бу жамият ҳам мустамлакачиликка қарши эди.

«Тарбияи атфол» жамияти Туркияда ўқиган талабаларга ёрдам бериш учун Истанбулда ташкил этилган. Унинг раҳбарлари Содик Ашур ўғли, Абдурахмон ва Абдурауф Фитратлар эди. Бухоро жаидларининг яна бир тармоғи “Турон” нашри маориф жамияти ҳисобланади. Раҳбарлари А.Фитрат, Муқим Бойжон, Абдулазиз, Аҳмаджон Маҳдум, Олимжон урислар эди. Улар Туркияга талабалар юборар эдилар. Туркистон жаидларининг ташкилотчиси – Самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудий, Тошкентлик Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Қўқонлик Салоҳиддин Ашуралиев, Қаландар Девонабоев, Раҳматулла Султонов, Оренбурглик

Аҳмад Бойтурсун, Мирёкуб Дулат, Андижонлик Абдулҳамид Чўлпонлар ҳисобланади.

XX асрда бутун бир жаҳид адабиётчилари юзага келди ва рус мустамлакачилигига қарши курашда миллий адабиёт билан қатнашдилар.

С.Айний ёзади:

Мактабсизлик қилди бизни қип-ялонғоч,

Мактабсизлик бизни этди талон-тарож.

Мактабсизлик Турон элин ўлдирди,

кўзингни оч, бу хўрликдан мактабга қоч.

Билим қочди қўлимиздан беш юз йиллар,

унутмагил Улуғбеклар бизнинг элни.

Турон элни, Ўзбек тили бизнинг тил,

Турон ўғли, эканингни тезроқ билдир.

Жаҳидлар газета ва журналларда истиқлол ғояси билан суғорилган мақола, шеър, ҳикоялар эълон қилиб берилди. Бу соҳада «Ойина» журнали хизмати катта бўлган.

Чўлпон Андижонда «Турон кутубхонаси»ни очди. Чўлпон «Ойина» журналида ёзади:

Эй, сен мени ҳақир кўрган, тубан кўрган афанди,

Эй, устимдан бир умрга хўжа бўлмоқ истаган.

Эй, бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган,

кўзларимни заҳарлаб ўйнамагил, бас энди.

Жадидлар кенг халқ оммасини саводли қилиш, жаҳолат уйқусидан уйғотиш учун янги усул мактабларини очишга киришди. Биринчи бўлиб, 1893 йил Самарқандда (Хусайинов маблағига) 1898 йил Қўқонда Салоҳиддин домла томонидан, 1898 йил Тўқмоқда, 1899 йили эски Тошкентда Маннон Қори, Андижонда Шамсиддин домла томонидан, 1900 йили Бухорода Жўрабой домла томонидан, 1903 йили М.Бехбудий ўз маблағи ҳисобидан Жомбойда мактаб очдилар.

1911 йилга бориб Туркистонда 63 та жадид мактабида 4106 бола ўқиган бўлса, 1917 йил 100 та жадид мактабида 5 минг бола ўқиган. Жадидлар мактаби асосан истиқлолчиларни етиштирувчи манба бўлганлигини рус ҳукумати тушунди ва бунга қарши рус-тузем мактабини кучайтиришга уринди. Бу масалада руслар Тошкентлик Шайхонтохур даҳасида яшовчи таниқли журналист, шоир, ўзбек зиёлиси Саидрасул Саидазизовни 1-рус-тузем мактаби ўқитувчиси қилиб олди ва у «Устои аввал» дарслигини 1902 йил нашр қилдирди. Бартольд уни Туркистон ўлкасидаги «Ўқув-тарбия ишларига ислоҳ кирита оладиган илғор зиёли» деб баҳо берган эди.

Саидрасул Саидазизов Россияга саёҳат қилиб, «Туркистон вилояти газетаси»да «Маҳаллий олимнинг 1910 йилда Москва ва Петербургга қилган маърифий сафари» сарлавҳали остида эълон қилинди. Лекин, рус ҳукумати Саидрасул Саидазизовга шубҳа билан қарар эди. Чор ҳукумати маҳаллий миллат вакилларига нисбатан жуда ҳам хушёрлик билан, қараб уларни кузатишдан тўхтамаган.

Туркистонда халқ маорифига жонбозлик қилганлардан, таниқли мударрис ва маърифатпарвар Мунаввар Қори эди. У 1909 йили маслакдошлари Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Ақбўтабеков, Тошкентлик бойлар билан «Жамияти хайрия»

жамғармасини тузди. Бу жамғарма қашшоқларга, касалмандларга ва чет мамлакатда ўқиётган талабаларга ёрдам уюштирди ва четга талабалар юбордилар. Хайрия пули билан Германияга кўплаб талабалар юборилган эди.

Бу ҳаракатни маҳаллий бойлар, миллий буржуазия вакиллари кўллаб-қувватладилар. Бу ўзбек буржуазиясининг бирликка, ўз-ўзини англашга бўлган қадами эди, десак адашмаймиз.

Андижонлик Миркомил Мирмўминбоев каби бойларнинг хайриялари туфайли Германияга, Туркияга жўнатилди. Рус сиёсий полицияси М. Мирмўминбоевга шундай характеристика ёзган: «У жуда ақлли, айёр, уddaбурун киши. Ўтиқоди бўйича панисломчи партияси бошлиғи. Ушбу партия аъзоларининг ҳаммаси унга моддий жиҳатдан боғланган»¹⁷.

Андижон жадиidlари «Тараққиётпарварлар» фирқасига бирлашиб, Туркистон миллий буржуазияси ёрдамига таянган эди.

Туркияда ўқиган Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат инглиз ва рус мустамлакачилари зулмида яшаётган мусулмонларнинг озодлиги учун кураш зарурлигини тушунди. Фитрат Истамбулда форсча «Мунозара», «Сайёҳи ҳинди» номли ҳажвий асарларини чоп этди. Фитрат 1909-1913 йилларда Истамбулда ўқиди, Ҳиндистон ва Афғонистонда бўлди. Фитрат - туғилиш – деган таҳаллус билан ижод қилди. 1917 йил 19 февралда Андижонда жадиidlар мажлиси Фарғона водийсида замонавий олий техника институти очишга 40 минг сўм жамғарма ташкил қилдилар. Йиғилишда институт очишни ҳал этиш учун 15 нафар аъзодан иборат ташкилий қўмита сайланди.

¹⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Уч жилдлик, 1 – жилд. –Т., “Шарқ”, 2000 й, 273 бет.

Жамғармага маҳаллий бой Аҳмадбек ҳожи Темирбеков 25 минг, маърифат ҳаваскорлари 5 минг сўм пул бердилар. Қўқон, Наманган, Ўш, Фарғона шаҳарларида ҳам жадиidler ташаббуси билан хайрия жамғармалари ташкил топди.

Убайдулла Абдуллаҳўжаев дўсти Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Раҳим Иноғомов, Комилбек Норбеков, Тўлаган Хўжамиёров (Тавалло), Муҳаммад Пошшаҳўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков билан «Турон» жамиятини тузди. Бунинг мақсади: Халқ орасида жадидий ва сахна ишига ҳамда хайрияга муҳаббат уйғотиш; халқ учун спектакль қўйиб, соғлом томоша кўрсатиш; муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш.

«Турон» 1913 йил июнь-июль ойларида норасмий спектакллар кўрсата бошлади. 1914 йил 27 февралда Тошкентда ўзбек миллий театрининг биринчи мавсуми бошланди. Спектаклни Мунаввар Қори очди, режиссёрлик Убайдуллаҳўжага насиб этди.

Мунаввар Қори сўзи: Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйнамағонлиги барчангизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз театрга, эҳтимолки ўйинбозлик ёки масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, театрнинг асл маъноси «ибратхона» ёки «улуғлар мактаби» деган сўздир. Театрдан ҳар бир киши ўзига ибрат олади.

Муфтий Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси катта ҳурматга эришди. Абдулла Авлоний 1913 йил ёзади: «1913 йилдан бошлаб халқ кўзин очмоқ учун Тошкент ва Фарғонада бир неча марта театрда ўйнаб қайтдик»

1917 йилга келиб ўзбек драмаларининг сони 40 тага етган эди. Бунга қарши оқим пайдо бўлиб, уларни «Падаркушчилар» деб атади.

Маҳаллий уламолар ва рус мустамлакачилари «Турон»га қарши турди. Бу ҳаракат душманлари чор ҳукумати ва шўро тадқиқотчилари, бу уйғонишни мафкуравий нуқтаи назаридан фойдаландилар. Лекин «Турон» жамиятининг обрўси, тарихий хизмати ошди. Халқ оммаси уларга муҳаббат билан қарайди ва доимо уларни эслайди.

Жадид мактабларининг очилишига, унинг фаолиятига чор амалдорлари ҳам, мусулмон мутаассиб уламо ва мактабдорлари ҳам тиш-тирноқлари билан қарши турдилар. Сабаблари Чоризм ва келгинди миссионерлар маҳаллий халқнинг хат-саводли бўлишини, маданиятининг ошишини, ижтимоий онг, сиёсий тушунчаси ошиб боришидан қўрқар эдилар. Мусулмон мутаассиблари эса анъанавий тартибни ва "Шариат қонунлари" бузилишидан чўчир эдилар.

Бундай тўсиқларни жадидлар усталик билан енгдилар. Улар қадим мактабларга тегмаган ҳолда намуна сифатида жадид мактабларини очиб, обрў топди. Жадид мактаблари қатъий низом, тартиб, интизом, дастур ва дарсликларга асосланди. Чораклик, йиллик баҳолар жорий қилди. Ўқувчилар синфдан - синфга ўтишда жамоатчилик олдида очиқ имтиҳонлар топшириши жорий этилди. Йиллик ва битирув имтиҳонлари катта тантана, байрам тусини олди. Имтиҳонда ота-оналар, нуфузли ташкилот вакиллари, шоирлар, уламолар, ҳурматли кишилар иштирок қилишган.

Мактаб очган жадидлар дарслик ва қўлланмаларни ҳам ызлари ёзганлар. Саидрасул Саидазизовнинг "Устои аввал", Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг "Адиби аввал", "Адиби Соний", "Тавжид" (Қуръонни кироат билан ўқиш усулига оид қўлланма), "Ёр юзи", "Усули ҳисоб", "Тарихи анбиё", "Тарихи ислом", Абдулла Авлониининг "Биринчи муаллим" ва "Иккинчи муаллим", "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ", Махмудхўжа Бехбудийнинг "Қисқача умумий география", "Болалар мактуби", "Исломнинг

қисқача тарихи". "Амалиёти ислом", "Аҳоли географиясига кириш", "Россиянинг қисқача географияси" ва бошқалар.

Жадид мактаблари билан қадим мактаблар ўртасида рақобатда жадид мактаблари ғолиб бўлиб борди. Ота-оналарнинг болаларини жадид мактабларига бериши кучайди. Бу жиддий қарама-каршилиқлар туғдирди. 1903 йил биргина Тошкентда 30 та жадид мактаби фаолият кўрсатган, шундан икkitаси ўрта мактаб бўлган. 1908 йилга келиб жадид мактабларига хужум кучайди, турли хил баҳоналар билан ёпиш, қаттиқ назорат қилишда, рус "охранка"сининг диққати ошди.

Жадид мактаблари Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Янги Марғилон, Эски Марғилон, Хива, Тўқмоқ, Термиз, Чоржўй, Чуст, Марв, Қизил Ўрда, Туркистон, Чимкент, Каттакўрғон, Тўрақўрғон, Наманган ва бошқа шаҳарларда очилган. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ёзишича 15-20 йил ичида жадид мактаблари Кавказ мамлакатларида, Эрон, Ҳиндистон, Миср, Ҳижоз шаҳарларида очилган. Жадидларнинг энг катта ҳаракатларидан яна бири шу эдики, 1902 йилда Туркистонда замонавий европача олий таълим мактаби университет ташкил этиш таклифини кўтарди. Худди шундай фикрни Исмоилбек Гаспрали ҳам Туркистон генерал-губернаторига махсус мактуб орқали Туркистондаги мадрасаларнинг бирини олий таълим берадиган муаллимлар тайёрлашга мослаштиришни илтимос қилди. Бу илтимос амалга ошмагач, И. Гаспрали 1906 йил "Таржимон" газетасида Бухоро ва Хива ҳукмдорларига мурожаат қилди.

"Фуқаройи ислом, Сизлардан мол керакмас, ош керакмас. Дин-Қуръондан, жон-худодан. Сиз давлат хонларидан аҳолига эҳсон этиладиган нарсанашри маорифга, тараққиёт ва камолотга омил бўлувчи олий даражалик маориф мактабларидир. Кўхна мадрасалари кўп Бухорои Шариф ва Хивада энди бирор дорилфунуни исломия таъсис этмоқ лозим. Бу

дорилфунунларга бир даража илм олган талаба қабул қилиниб, тарих, жўғрофия, кимё, ҳандаса, илми ҳуқуқ, усули идорати давлат, илми иқтисод ва бошқа лозим фанлар, туркий, форсий, русий, франсовий тиллар ўқитилса. Ушбу дорилфунунларда муаллим ва мударрислик қила оладиган аҳли камол бор".

Бу ғоя жаидлар томонидан Тошкент шаҳар думасида депутат Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг таклифи билан Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ва Содиқ Абдусатторовлар 1917 йил 21 октябрда Тошкент шаҳар думасида Университет ташкил этиш комиссияга киритилиб, мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш зарурлиги кўрсатилди.

II БОБ. ЖАДИД МАТБУОТИНИНГ ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙИ-МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

2.1. Жаид матбуоти ва адабиётининг миллий маданият ривождаги ўрни ва роли

Жадидлар миллатни уйғотиш учун, маърифатга чорлаш учун дастлаб миллий матбуотни ташкил қилдилар. Биринчи бор ўзбек тилида «Тараққий», «Шухрат», «Хуршид» газеталари чиқа бошлади. «Садои Туркистон» газетаси Тошкентда чиқа бошлади.

Фарғона водийсида жадидчи Обиджон Маҳмудов муҳаррирлигида 1914 йилдан «Садои Фарғона» газетаси чиқиб турди. Унинг саҳифаларида бутун водийда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаёт ўз аксини топиб борган. Бу вақтда Андижонда газета чиқариш имкони бўлмади. Андижон тараққийпарварлари Тошкент, Қўқонда чиқаётган жаридаларда ҳамкорлик қилиб турдилар. Бу борада Чўлпон ижодини кўрсатиш мумкин. Унинг матбуот юзини кўрган илк шеър, ҳикоялари «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталарида эълон қилинган. «Туркистонлик қардошларимизга» номли шеъри «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 3-сонида чоп этилди. Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Доктор Муҳаммадиёр» номли ҳикоялари ва бошқа мақолалари «Садои Фарғона» саҳифаларида чоп этилган. Чўлпон бу газетанинг Андижондаги обуначи ва эълон қабул қиладиган вакили ҳам эди. Жадидчилар Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий раҳбар бўлган «Садои Фарғона»да андижонлик тараққийпарварлар фаол иштирок этдилар. Турмушда мавжуд бўлган хилма-хил камчилик, нуқсонларни фош этиш орқали маҳаллий аҳоли миллий

онгининг ўсишига хизмат қилувчи хат ва хабарлар ҳам мунтазам газетадан ўрин олиб турган¹⁸.

Газетанинг 1 май сонида Ашурали Зоҳирнинг «Туркистонда биринчи юрист» мақоласи чиқади. Тошкентдан Қўқонга келиб қолган Тошпўлатбек афанди Норбўтабек ўғли ҳақида гап борганди. Ўзбеклардан биринчи бўлиб дунёвий фанлар бўйича Оврупача усулдаги олий маълумотга эга бўлган бу зиёлининг ҳаёти ва фаолияти ўзгаларга намуна сифатида ёритилганди.

Қўқонда чиқиб турган «Утро Ферганў», «Ферганская жизнь», «Туркестанский край» номли русча газеталарда ҳам андижонлик илғор ёшлар рус тилида хат ва хабарлар чиқариб турганлар. 1916 йил 1 июлдан Андижонда биринчи бор рус тилида «Туркестанский голос» газетаси чиқа бошлагач, тараққийпарварлар бу газета теварагида мустаҳкам жипслашиб иш олиб бордилар.

Бу газета Андижондаги рус демократлари билан маҳаллий миллат жадиждчиларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли дунё юзини кўрди.

А.А.Чайкин билан Убайдулла Хўжаевлар газетанинг асосчилари эди. 1914 йил феврилида Тошкентда Убайдулла Хўжаев ташаббуси билан ва унинг муҳаррирлигида «Садои Туркистон» газетаси чиқа бошлаган ва 1915 йили у ёпилган, шундан сўнг унинг муҳаррири Андижонга келиб фаолият кўрсата бошлаганини эсласак, Убайдулла Хўжаев «Садои Туркистон»ни рус тилида «Туркестанский голос» номи остида чиқаришга муваффақ бўлгани маълум бўлади. Газета жадиждчилик руҳида бўлгани унинг саҳифаларида кўтарилган мавзулар, муаммолар, хат ва хабарларда ҳам ёрқин ўзифодасини

¹⁸ Р.Шамсутдинов. Андижон тараққийпарварлари. Андижоннома 1999 йил 26 август.

топган. Газетада 1916 йилги воқеалар тафсилотида катта ўрин берилган. «Мардикорлар талаби», «Ишчи-туземецлар йўлда», «Ишчиларни жўнатишга доир», «Тузем ишчилар мактублари», Андижон шаҳар ариқ оқсоқоли Рустам Тошматовнинг фронт ортидаги андижонликлардан ҳол-аҳвол сўраб келганлиги ҳақидаги ҳисоботи, «Ўш эшелонини жўнатиш», «Жойлардан саломлар», «Йўлдан бизнинг мухбиримиз Абдулла Йўлдош Қориевдан», «Ўзбек ҳарбий ишчиларининг йўлдан юборган мактублари», «Паловни соғинмоқдалар», «Ишчилар учун кетмонлар», «Оренбургдан хатлар», «Ҳарбий суд», «Ажралиб қолганлар», «Суд хабарлари», «Суд залидан», «Рўзи Охун Муҳаммад Назарбоевнинг иши бўйича», «Далварзин иши» каби рукнлар остида хабар ва мақолаларда 1916 йилги Чор ҳукуматининг мардикор олди тадбирлари, маҳаллий аҳолининг оғир кечмиши тасвирланган¹⁹.

Жадидларнинг сиёсий курашлари 1913 йил «Туркистон овози» ва «Голос Туркестана» газеталарида эълон қилинди. Унда қуйидаги масалалар бор эди:

1. Сибирь темир йўлидан то Афғонистон, Эронгача бўлган жойда яшовчи ерли халқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва солиқлар соҳасидаги тенгликни вужудга келтириш;

2. Кўчманчи мусулмонларга қишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилмагунча, русларга ер бермаслик;

3. Замонавий маърифатни тарқатиш.

Бу очиқ рус мустамлакачилик сиёсатида, улуғ рус миллатчилигига қарши чиқиш эди.

Жадидлар вакили Абдулҳамид Чўлпон Туркистон ўтмишда маърифат ўчоғи бўлганлигини мустамлакачилик натижасида инқирозга

¹⁹ Ўша мақола

учраб, қолоқ ўлкага айланганлигини кўрсатди. «Чор ҳукумати вақтида, ички Россия мусулмонларини чўқинтирмоқ ишида Рустами Зол бўлғон, бизнинг маълум Остроумов тўрамизнинг устози саналган машҳур Поledонаевга ёзган хатида «Ерли халқ орасидан биз учун фойдалиқ ва ҳеч бўлмаганда зарарсиз кишилар, у рус тилини тутилиб, уялиб гапириб турғон, ўрисча ёзғонда бир мунча хато билан ёзатурғон, бизнинг губернаторлигимиздан эмас, ҳатто устол бошлиғи (мирзо)миздан ҳам кўрқатурғон кишилардир» деган.

Чўлпон ёзади «Бунга қарши биз рус тили билан эмас, ҳатто Оврупо маданияти, миллатларининг тили билан ва билими билан жавоб берсак, одам қатори яшамоққа албатта ҳақ қозонармиз. Энди бу эзгу ҳаракатга тарихимизда кўраолмағонимизга бир нарса қўшилса, яъни ўзбекнинг эркин йигитлари эмас, тутқун қизлари ҳам Илминский васиятига қарши исён бошласа, ўзи учун энг тотли бўлган элидан, ота-онасидан кечиб, минглаб қақирим ерга кетсалар, одам қатори ҳаққини, туртки емасдан уялмасдан, сўқилмасдан, ўз ҳуқуқимизга ортиғи билан қозона оламиз. Ёлки турмуш ўлим тўшагида, йигитларимизнинг чин билимига қараб, бу интилишлари эски турмушни биров аввал ерга кўмгусидир». Мана она-юрт фидойиларининг орзулари.

Бехбудий 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналинини чиқарди. Газета дастлаб 2, сўнг 4 бетлик бўлиб ҳафтада 2 марта чиққани ва моддий танглик туфайли 45 сонидан кейин тўхтагани маълум. «Ойина» ўлкадаги ўзбек тилида чиққан биринчи журнал эди. У халқ орасида анча машҳур бўлган. Бошида ҳафтада бир, 1914 йилдан эса ҳар ўн беш кунда чиққан. Зиё Саид «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига доир материаллари»да бу журналнинг 2 йил давомида 68 сони (жами 1720 бет) дунё юзини кўриб, 1915 йил 15 июнда²⁰ тўхтагани маълум қилган.

²⁰ Зиё Саид. Танланган асарлар.-1974, 45-бет.

Хуллас, жаидлар чиқарган газеталар 1917 йил февраль инқилобига қадар фаолият кўрсатди ва Туркистон халқларини дунёвий ва диний илмдан хабардор қилиб турган.

Жаидчилик ҳаракати муҳотида жаидчилик адабиёти ҳам юзага келди, мукамал бир шаклга кирди. Ҳам насрда, ҳам назмда янгилашиш, қоқлик ва жаҳолатдан кутилиш, рус истилосига қарши кураш, маърифат ва ҳурриятга эришиш, истиқлолни қўлга киритиш ғоялари билан тўлиб-тошган янги бир адабиёт шаклланди.

Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг йирик вакилларида Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919)²¹ “Туркистон жаидларининг отаси” деб тарихда ном олган. У истиқлол учун курашнинг олдинги сафларида борган яловбардорлардан эди. Файзулла Хўжаев Бехбудий ҳақида бундай деганди; “Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатидан ўша замон Туркистонидаги жаидлар орасида унга тенг кела оладигани бўлмаса керак”²².

1912 йилда ёзилиб 1913 йилда босилган «Падаркуш» драмаси Бехбудийга жуда катта шуҳрат келтирди. Гарчи биринчи ўзбек драмаси («Маҳрамлар») хронологияга кўра бир йилча олдин Наманганда Абдулрауф Шаҳидий томонидан эълон қилинган бўлса, бу соҳада ҳам қарвонбоши бўлиб Бехбудий тарихга кирди.

Асар жамоатчиликка, айниқса, адабиётга кириб келаётган ёшларга каттиқ таъсир кўрсатди. «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим»,—қайд этади Абдулла Қодирий ўз таржимаи ҳолида.

²¹ Қаранг: Алиев А. Маҳмудхўжа Бехбудий. Т., 1994; Қосимов Б. Маслакдошлар. Т., 1994; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси... 2-жилд, 8-9-бетлар; Алимова Д. Рашидова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий и его исторические воззрения. Т., «Маънавият», 1998. Ва бошқалар.

²² Ватан тарихи. Иккинчи китоб.... 286-бет

1916 йилда Тошкентга-навбатдаги сафарга келган таниқли шарқшунос академик А.Н.Самойлович «Колизей»да Авлониининг Жалил Мамадқулизода асари асосида тайёрланган «Ўликлар» спектаклини кўради. Босилиб чиққан барча ўзбек драмаларини кўздан кечиради. «Сартларнинг драматик адабиёти» номли мақола ёзади. 7 драма-«Падарқуш», «Тўй», (Нусратулла Кудратулла), «Бахтсиз куёв» (А. Қодирий), «Ахлоқ», «Жуванмарг» (Абдулла Бадрий), «Кўкнори», «Эски мактаб-янги мактаб» (Ҳожи Муин) асосида Туркистонда «Янги адабиёт» майдонга келганини маълум қилади. У ёзади: «Туркистондаги янги адабиётнинг маркази Самарқандда бўлса керак, ёш адибларнинг бош илҳомчиси сифатида эса, на тожик, на турк асли «хўжа» самарқандлик муфти Маҳмуд Беҳбудийни эътироф этиш керак бўлади».²³

Марҳум шарқшунос олим Лазиз Азиззода Беҳбудийнинг собиқ Туркистон ўлкасининг ижтимоий, маданий ва адабий ривожига ўрни, роли ва аҳамиятига жуда катта баҳо бериб, уни ҳатто француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо, рус инқилобчи демократлари Н.Г.Чернишевский, Добролюбовлари, татар ва озарбойжон маърифатпарварлари-Шаҳобиддин Маржоний, Қайом Носирий, Мирза Фатхали Охундов, Наҳафбек Вазировлари билан қиёслаган. Ўзбекистонда Навоий, Улуғбек каби буюк зотлар билан бирга Беҳбудийга ҳам ҳайкал ўрнатиш керак»²⁴, деб ёзган эди.

Жадид адабиётини шаклланишида Абдурауф Фитрат (1886-1938)²⁵нинг алоҳида хизматлари бўлган. У 1909-1913 йилларда Истанбулда ўқиб юрган кезларида Ф.Хўжаевнинг берган маълумотига кўра ҳамюртлари билан биргаликда «Бухоро таълими (умумий) маориф жамияти»ни тузган. Бу

²³ Ватан тарихи. Иккинчи китоб... 287-288-бетлар.

²⁴ Лазиз Азиззода. «Беҳбудий», «Маориф ва ўқитувчи», 1926, №2.

²⁵ Рашидова Д. Жадидларнинг меросида мусика (А.Фитратнинг илҳомига оид маълумотлар.) Жадидчилик: ислохот, янгиланиш... 128-145-бетлар.; Файзулла Қиличев. Мустақилликнинг фожиали йўли. «Шарқ юлдузи», 1992, №7 ва Ҳамидулла Болтабоевнинг катор асар ва мақолаларида А.Фитрат фаолияти акс эттирилган.

жамият Бухороликларнинг ўзаро моддий-маънавий уюшмаси вазифасини бажарган.

Бу даврда Туркия «Ёш турклар» инқилобидан маст даврни ўз бошидан кечирарди. Туркиядаги бундай инқилобий муҳит албатта ёш Фитратга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. У сиёсат майдонига шўнғиб кетди. Бу ерда Фитрат Шарқ адабиёти, санъати, тарихини чуқур ва атрофлича ўрганади. Илғор тараққийпарвар турк адабиёти вакиллари турк адабиёти орқали эса Ғарб адабиёти билан яқиндан танишади. Ғарб ва Шарқ халқлари маданияти, адабиётлари ўртасида фарқларни ўз кўзи билан кўради, унинг сабабларини теранроқ англайди.

Фитрат адабиётга шоир ва адабиётшунос сифатида кириб келди. Кўп ўтмай ўзини драматургия ва прозада ҳам синаб кўрди. У «Мунозара» (дастлабки номи «Ҳиндистонда бир фаранги ила Бухоролик бир муддарриснинг бир неча масалалар ҳам усули жаид хусусида қилган мунозараси») асарини Туркияга боришидан олдин, 1905-1907 йилларда яратган. «Сайҳа», «Сайёҳи ҳинди», «Раҳбари нажот», «Тарихи Ислом» асарларини эса Туркияда таҳсил пайтида ёзган ва «Мунозара» 1908 йилда, «Сайҳа» 1910 йилда «Сайёҳи ҳинди» 1913 йилда Истанбулда босилиб чиққан. «Раҳбари нажот» ва «Оила» 1915-1916 йилларда Бокуда нашр қилинган. Бу асарлар ўша даврдаёқ халқ орасида кенг тарқалди. Бошқа тилларга ҳам уғирилди. Масалан, «Мунозара» 1909-1914 йиллар орасида турк, озарбойжон тилларида, «Сайёҳи ҳинди» рус тилида чоп этилган. «Раҳбари нажот»ни эса дўсти, шоир ва ношир Абдулвоҳид Бурҳонов Санкт-Петербургда нашрдан чиқарган. Булардан ташқари, унинг «Мавлуди Шариф», «Або Муслим», «Бегижон» асарлари ва дастлабки шеърлари «Ойна», «Тараққий», «Садои Туркистон», «Турон», «Хуррият», «Бухорои Шариф» каби газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинган.

Фитрат Бухоро жадидчиларининг ташкилотчиларидан бири сифатида халқни маърифат ва маданиятдан баҳраманд қилиш учун астойдил курашди. Лекин бу ҳаракат шароитга қараб турли ерда турлича содир бўлди. Жумладан, 1915-1916 йилларга қадар Бухоролик жадидлар якдил ва ягона жавҳа бўлиб, иш олиб борган бўлсалар кейинчалик улар иккига бўлиниб кетдилар. Жадидларнинг бир қисми (Абдулвоҳид Бурҳонов бошчилигида) эски тарзда фақат маданият тарқатиш йўлини тутган бўлса, уларнинг яна бир бошқа бўлаги Фитрат, Файзулла Хўжаев каби чет элларда ўқиб келган ёшлар омма ўртасида маърифат ва маданият тарқатиш билан бирга амирга қарши курашни ҳам ёқлаб чиқдилар. Бу гуруҳ тарихда «Ёш Бухороликлар» деган номини олди. Бундай бўлинишнинг асосий сабаблари: Биринчидан, Туркистон ўлкаси, шу жумладан Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг оғирлиги, рус подшоси ва амирликнинг икки ёқлама зулмкорлик сиёсати, иккинчидан, большевойларнинг маҳаллий халқ ўртасида юргизган ташвиқот ва тарғиботлари таъсирига ишонувчанлик ва ниҳоят учинчидан маҳаллий халқ вакилларининг сиёсий қоранғуликда сақланганлиги, уларнинг ғоявий назарий савиясининг етарли даражада ривожланмаганлигидир.

Фитрат ўз она диёрини озод ва хур кўришни орзу қилади. Ўз ниятлари, эзгу армонларини амалга оширишда ожизлик қилган Абдурауф Фитрат улуғ бобоколонимиз соҳибқирон Амир Темурлар сингари миллат фидойиларини кўмсайди. У «Темур сағанаси» драмасида ўз қаҳрамони тилидан Амир Темурга мурожаат қилади: "«Ҳоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туронни бир қорвули сенга арз этарга келди».

Бундай мурожаат Фитратнинг бошқа асрлари мазмунига ҳам сингиб кетган. Улардаги асосий ғоя-она юртни, Ватанни улуғлаш, халқ, миллатнинг

озодлиги ва эркинлигидир. Зеро, маърифатга интилан инсон учун, айниқса шоир учун бир томондан амир истибдоди, иккинчи томондан чор мустамлакаси зулми остида эзилган халқни, топталган юртни озод кўришдан ҳам улуғ ният бўлиши мумкинми? У «Сайҳа» тўпламига кирган «Менинг Ватаним» шеърида бундай деб ёзади;

«Ватан, у менинг жоним таним, саждагоҳимдир.

У менинг тўлин ойим, тинч омонлигим, иззатим-шарафим.

Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир». Ёки бошқа бир шеърида: «Йиғла бир оз, ўксизланган тилагим, мен ҳам сендай бахтсизликка туғилдим», деб юрт тақдирдан куюнади.

Туркистоннинг миллий шоири, Андижонда жаидчиликка асос солган Чўлпон (1898-1938)²⁶ шаҳарда «Турон кутубхонаси» ва унинг ёнида катта бир қироатхонани ташкил қилган.

Хорижий манбалардан бирида шундай ёзилган; «Кенг маъруза зали бўлган бу қироатхонанинг бошқарув ҳайъатига Туркистон Миллий бирлигининг Андижондаги вакиллари Хусанхўжа Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, Зоҳирий Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулҳай Махсумлар сайландилар. Қироатхона мактаб вазифасини бажарар эди. Ҳар оқшом турк усмоний зобитлари кундалик масалалар, маданий-сиёсий ва тарихий мавзуларда маърузалар қиладилар».

Чўлпоннинг очиқ ифодаланган, гўзал туркча, тоза услуб билан битилган даъваткор, исёнкор шеърларида Русия мустамлакачиларини аёвсиз қораловчи, Туркистон истиқлолини мадҳ этувчи шеърлари ўлка аҳолиснинг миллий ҳис-туйғусини, миллий ўзлигини уйғотганди. Унинг «Исён» номли мана бу шеърида шундай дейилган;

Эй, сен мени ҳақир кўрган, тубан кўрган афанди.

Эй, устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган

²⁶ Каримов Наим. Истиқлолни ўйғотган шоир. Т., «Маънавият», 2000.

Эй, бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган
Кўзларимни заҳарлатиб ўйнамагил, бас энди...
Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким узилур;
Томиримда қўзғолишнинг ваҳший қони кўпирди.
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди.
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур.
Эй, сен мени қул ўрнида ишлатувчи афанди
Титра, қўрққин боғлиқ қўлин бош кўтарган куч инди.

Жадидчилик ҳаракатига фаол қатнашиб Туркистон миллий истиқлоли учун курашган халқимизнинг ажойиб фарзандлари Саидахмад Сиддиқий Ажзий (1864-1927), Каримбек Шарифбек ўғли Комий (1865-1922), Тавалло (1883-1959), Исҳоқхон Иброт (1862-1937), Хислат (1880-1945) ва бошқалар ҳам ўзларидан сўнг бой ижодий мерос қолдирганлар. Ана шу улуғ зотлар орасида узининг бетакрор ва ибратомуз ижоди билан Тавалло алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ижодида жадидчилик ҳаракати ва адабиётининг таъсири кучли бўлди. Шоирнинг 1913 йилда «Баёз», 1917 йилда «Равнакул ислом» тўпламлари босмадан чиққан. Тавалло асарлари асосан, Ватанни севишга, ардоқлашга, халқни, миллатни ҳурматлашга, илм-маърифатни, санъатни севишга даъват этади.

Тавалло «Оламга бир назар» шеърида халқ орасидаги илм маърифатга тўсиқинлик қилаётган чиркин иллат, ноинсоний урф-одатларни аёвсиз фош қилади ва илғор тараққий этган мамлакатлардан намуна-ўрнат олишга халқни чорлайди.

Тавалло халқни маърифатга чорлаб «Сўқ тараққий» шеърида ғафлат ва лоқайдликни тарк этишга даъват қилади;

Тур, эй миллат, қўй эмди, чиқ буён уйқу канориндан,
Кўзинг оч, иброт ол, сен ўзга миллат кору бориндан.
Жаҳолат чодирига буркалиб ётмоқни тарк айла,

Юр эмди, қолма шунда ўзга миллатлар қаториндан.

Шоир ўзининг «Туркистон вилоятининг газети»да босилган «Ибрат олмоқни вақту етмадиму?» мақоласида яна юқоридаги муаммоларни оддий халқ тилида ривожлантиради; «.. . Телеграмм (телеграф), телефон, айроплан, грамофон ва ғайри шунга ўхшаш қуввати билан ишлайдиган нарсаларни инсон ақли ила бунёд этиб, вужудга келтирадими ёки ўз-ўзидан пайдо бўладими, албатта йўқ, ҳаммаси илм туфайли ва ҳунардандур. Бас, шундоғ бўлгандан кейин нима учун бизлар илмдан безормиз. Бошқа миллатлар қанча илмга рағбат этсалар, бизлар ҳамон қочамиз». Хуллас шоир Тавалло илгари сурган ажойиб ғоя ва чақириқлар бугунги кунда ҳам долзарб муаммо сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

XX асрнинг бошларида Туркистондаги демократик ҳаракатларнинг олдинги сафларида ўзбек хотин-қизларининг вакиллари ҳам фаол қатнашганлар. Булар орасида Нозимахоним (1869-1924) алоҳида ўринга эгадир.

Нозимахоним ўзбек маърифатпарвар-демократ шоираси. У араб, форс, озарбайжон, татар ва рус тилларини яхши билган. У 1900 йиллардан бошлаб шеър ва публицистик мақолалари билан матбуотда кўрина бошлади. 20 ёшларга кирганда «Бешёғочлик Нозимахоним» номи билан эл-халқ ўртасида шуҳрат топди. Нозимахоним «Туркистон вилоятининг газети», «Осиё», «Шуҳрат», «Садои Туркистон» каби газеталар ва «Ойна» журналида ўз асарларини чоп эттирди. Шоира шеърларида Шарқ аёлларининг ҳаёти ва қисматини кенг қамровли, бир тарзда куйлайди.

Нозимхоним ўзбек аёлларидан етишиб чиққан биринчи публицист журналистдир. У турли тилларни билиш муҳим алоҳа воситаси сифатида инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Юқорида келтириб ўтилган жаид зйлилари яратган асарлар Туркистон халқининг маданиятини юксалиши, маърифатга интилишига хизмат қилган.

Хулоса шуки, рус мустамлакачилари Туркистон замини узра ўз хукмронликларини ўтказган кезларда юртнинг жонкуяр, миллатсевар, эрксевар фарзандлари жаидлар ҳаракати таъсирида миллий истиқлол учун, мустақил Туркистон учун, эксплуатация, зўрлик ва зўровонликка қарши халқни отлантирдилар.

Жаид адабиёти халқ орасига маърифат ва маданият ғояларини тарқатишдан, оммани зулм ва истибдодга қарши курашга чорлади.

20-30 йиллардаги бадий ижодиёт фаолиятида жаид ижодкорлар Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Сидқий Азизий, Сидқий Хондақлиқий, Тавалло, М.Сўфизода, Абдулла Авлоний ва бошқалар Октябрь тўнтариши ғояларини қўлламасаларда Шўролар бошқарув идораларида ишлаб миллий истиқлол манфаатларига хизмат қилиш, миллатнинг дунёвий сиёсий маданиятини ва савиясини ошириш учун курашни ўз фаолият мақсадларининг бош мезони қилиб олдилар. Ана шу мақсад тақозоси билан улар ўнлаб янги турдаги мактаблар очдилар, бу мактаблар учун турли-туман дарсликлар, қўлланмалар яратдилар, нашриётлар ташкил қилдилар, чет эллардаги олий ўқув юртларига маҳаллий ёшлардан ўқишга жўнатдилар, газеталар, журналлар нашр этдилар, театр санъатини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатдилар, турли тумандаги маърифий-маданий тўғараклар уюштирдилар. Албатта бу ишларга большевой хукмдорлар ҳайрихоҳ бўлган эмаслар. Аксинча жаид ижодкорларнинг ҳар бир қадамларини синчковлик билан кузатиб борганлар. Тўғарак ва жамиятлар фаолиятини таъқиб ва тазйиқ остига олганлар, нашр ишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатганлар. Жумладан Абдурауф Фитрат

«Чигатой гурунги»²⁷нинг айрим мажлислари қуролли қизил гвардиячиларнинг назорати остида ўтганлигини ёзади. Худди шунингдек, Заки Валидий Тўғон ҳам ўзининг «Хотираларим»ида 20-йилларнинг бошида зиёлилар устидан қаттиқ назорат ўрнатилганлиги вазидан Бухорода Чўлпон билан учраша олмаганлигини эслайди. Аммо ҳар қандай таъқиб ва таъзйиққа қарамасдан ҳақ ва адолат йўлида курашни давом эттирдилар. Буни биз жаид ижодкорларнинг адабиёт соҳасидаги кўп қиррали фаолиятларида янада тўлароқ кўрамиз. Улар бадий ижоднинг барча йўналишларида: публицистика, шеърият, драма, проза каби соҳаларида баракали из қолдирганлар. Ўзбек адабиётида публицистика янги жанр (1900 йиллардан сўнг пайдо бўлган) бўлсада, 20-йилларда катта муваффақиятларга эришди. Бу ютуқ ва муваффақиятлар биринчи навбатда энг аввало А.Фитрат ва Абдулҳамид Сулаймон номлари билан боғлиқдир. Улар вақтли матбуот саҳифаларида ўнлаб публицистик мақолалар билан чиқдилар ва уларда миллат, Ватан тақдири билан боғлиқ ўта эҳтиросли ва долзарб масалаларни илгари сурдилар. Публицист жаидлар бош мақсад қилиб халқни ғафлат уйқусидан уйғотишни илгари сурадилар, миллий онгни, миллий виждонни чарх уришини истайдилар, халққа ўзлигини танитмоқни орзу қиладилар. Биргина мисол: Абдурауф Фитрат 1917 йил 5 декабрда «Хуррият» газетасида эълон қилинган «Мухторият» мақоласида бундай деб ёзади: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, кўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, ермиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз емирилди,

²⁷ «Чигатой гурунги» уюшмаси 1919 йилда ташкил топган. Унинг фаолиятида Фитрат, Абдулқаюм Рамазоний, Машрик Юсупов-Элбек, Мўминжон Мухаммаджонов (Мўмин Кофир), Маннон Мажидий-Уйғур, Мирмулла Шермухаммедов, Лазиз Азизода, Шорасул Зунун, /улом Зафарий, Тангрикулхожи Максудий, Маннон Рамз, Маҳмуд Ходиев-Боту иштирок этганлар. Фитрат ва Абулқосим Рамазоний уюшманинг раҳбари эди. Бу уюшма шўроларга қарши курашмаган, унинг дастури ҳам йўқ эди. «Чигатой гурунги»нинг асл мақсади халқнинг умумий маданий савиясини ошириш, саводсизликни тугатиш учун курашиш, эски алифбони ислоҳ қилиш, Ўзбек тилининг софлиги учун кураш, уни ёт сўзлардан тозалашдан иборат эди. Аммо ҳар бир миллийликдан ҳадиксирайдиган Шўро ҳукумати «Чигатой гурунги» уюшмаси катнашчиларига «пантуркизм» ва «миллатчилик» айбини қўйиб уюшмани 1922 йилда тор-мор келтирди. Истеъдодли зиёли Маҳмуд Ходиев-Боту 1930 йилда «Маориф ва ўқитувчи» ойнмасининг 10 сонидида босилган «Тил ва имло тўғрисида бир неча сўз» мақоласида: Тил ва адабиётда чигатойчилик оқимини қанча қораламоқчи бўлсалар ҳам, бунга муваффақ бўла олмайдилар», деган эди.

номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тўзимлик турдик, сабр этдик, кучга таянган ҳар бир буйруққа бўйсундик, бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, ялентирдик, имонларимизга авраб сақладик: «Туркистон мухторияти!»»

Худди шунингдек Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳам 20-йилларда ёзган публицистик асарларида долзарб муаммоларга қалам урди, мустамлакачилар олиб борган жирканч сиёсатни фош қилди.

Халқни илм маърифатга чорлаш, миллий мустамлакачиликка нафрат, миллий ўзликни англашга даъват, халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш истаги 20 йиллардаги жаидчилик адабиётининг бош ва йўналтирувчи мавзуси бўлган.

С.Айний 1919 йилда ёзилган «Турон марши» деб номланган шеърида ҳам Туронни уйғотишга чорлаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Октябрь ҳарбий тўнтаришидан сўнгги даврда Ҳ.Ҳакимзода Ниёзийнинг поэзия бобидаги ижоди кўздан кечирилса, у тагин ҳам баркамоллик сари ривожланиб борганлигини кузатамиз. Бу даврга келиб шоир илгаригидек фақат маърифатга чорлаш билангина чекланмайди. У энди қадимий Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий тақдири тўғрисида бош қотиради. Туркистон мухторияти ғояларини улуғлайди. Шоирнинг мухторият ғояларини улуғловчи ва нақоратида «Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!» дея қуйланувчи шеъри 1918 йил 2 январда «Улуғ Туркистон» газетасида чоп этилган эди.

Шоир Тавалло шеърият бобидаги ўз ижодида ҳажвия услубининг кенг имкониятларидан усталик билан фойдаланди, ундан янги тасвирий имкониятлар излади. У поэзиянинг ширу шакар жанридан моҳирона фойдаланганҳолда ўз шеърларини бир вақтнинг ўзида икки тилда (шу пайтга

қадар форсча-ўзбекча ёзиб олиб келинган)-ўзбек ва рус тилида ёзиб жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини баён этади.

20-йиллардаги жаҳид поэзияси ҳақида гап борганда, сўзсиз суратда Абдулҳамид Чўлпонни четлаб ўтиб бўлмайди. У шу йиллар давомида ўзининг «Уйғотиш» (1922), «Булоқлар» (1924), «Тонг сирлари» (1926), «Соз» (1935) китобларини чоп эттирди. Шоирнинг кўпгина шеърлари «ўзбек ёш шоирлари» тўпламида, «Адабий парчалар», «Гўзал ёзғичлар» каби китоблардан жой олди ва халқнинг маънавий мулкига айланди. Бу ижод дурдоналари Шўровий руҳиятдан анча узоқ бўлиб, аксилшўровий оҳанглар билан йўғирилган эди. Буни биз шоирнинг 1921 йилда ёзилган «Халқ» шеъридаги қуйидаги исёнкор сатрларда яққол кўрамиз:

Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,

Кетсин унинг бошидаги кўланка.

20-йиллардаги жаҳид адабиёти драматургияда ҳам катта муваффақиятларга эришди. Бу борада Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқаларнинг ижодий йўли диққатга лойиқдир.

20-йилларда жаҳид ижодкорлар билан бир қаторда Ойбек, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, Уйғун, Усмон Носир, Элбек, Боту, Абдулла Қаҳҳор, Ҳ.Шамс, Ойдин, Миртемир, Комил Яшин, Собир Абдулла каби ёш қалам соҳибалари адабиёт майдонига кириб келдилар. Бу жаҳидчилик адабиёти беиз йўқолиб кетмаганлигини кўрсатади²⁸.

30-йилларга келиб жаҳидчилик адабиётининг ривожланиши учун ҳамма имкониятлари мутлақо ёпиб қўйилди. Шу боисдан ҳам бу даврда Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» (1929) ва Чўлпоннинг «Кеча ва

²⁸ Ватан тарихи. Учинчи китоб... 285- 286-бетлар.

кундуз» (1935-1937) рўмонидан бошқа жадид адабиётидан намуна тариқасида кўрсатишга арзийдиган асар чоп этилмади.

Бу даврда ўзига хос замон зайлига мос янги йўналишдаги асарлар пайдо бўлди, шакл ва мазмун соҳасида бир қанча янгиликлар вужудга келди. Аммо шу нарсага имон келтириш керакки, вазият қанчалик оғир бўлсада бадий ижодда ҳамма жанрларда халқ образи етакчи ўринда бўлди.

Шериятда биз буни Абдулҳамид Чўлпон, Ойбек, Шайхзода, Миртемир ва бошқалар сингари забардаст ва етук шоирлар билан бир қаторда Усмон Носир, Султон Жўра, Ҳасан Пўлат каби ёш ижодкорлар асарларида кўрамиз. Лирикадаги бундай намуна хусусан олов қалб шоир Усмон Носир (1912-1944) ижодига хосдир. Унинг шеъриятининг мавзуи серкиррадир: севги-муҳаббат, ҳаёт ташвишлари, ижтимоий-сиёсий жумбоқлар масалалари марказида инсон тимсоли марказий ўринда туради. Бу бежиз эмас. Чунки Усмон Носир халқ, ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди. У 1933 йилда Самарқандда ёзган «Юрак» шеърида бутун ҳаёти, борлиғини халққа, жамиятга бағишлаш, она-Ватанга меҳр-муҳаббат садоқат ила ҳалол хизмат қилиш ғоясини илгари сурган.

30-йилларда шеърият билан бир қаторда баллада, достон, бадий очерк, ҳикоят, драма йўналишларида ҳам ўзбек адиблари бир қатор халқчил асарлар яратдилар. Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ», Султон Жўранинг «Қалдирғоч» поэмалари, А.Қодирийнинг «Ғировонли Маллабой ака», Ҳ.Шамснинг «Довон ошганда», «Меҳнат-бахт гарови», Ғ.Ғуломнинг «Семурғ қанотида», «Ойдиннинг», «Эл оғзида эртак» каби очерклари, А.Қодирийнинг «Обид кетмон», Ғ.Ғуломнинг «Шум бола», «С.Айнийнинг» «Судхўрнинг ўлими»-ва бошқа қиссалари, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», С.Айнийнинг «Дохунда», «Қуллар», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», А.Қаҳҳорнинг «Сароб» рўмонлари, Зиё Саид ва Н.Сафаровнинг «тарих

тилга кирди», У.Исмоиловнинг «Рустам» каби бир қатор драма асарлари шулар жумласидандир. Ўзбек ижодкорлари мазкур асарларда ғоят оғир, Советларнинг Қатағон сиёсати ва амалиёти ўз тараққиёти пиллапоясидан ривожланиб бораётган бир даврда жамиятдаги ўткир муаммоларни ғоятда устамонлик билан очиб уларга ўз муносабатларини баён этадилар. Бу жиҳатдан Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» сахна асари диққатга лойиқдир. Унда муаллиф чор Россияси мустамлакачилик сиёсатини фош этиш, унинг бутун бошли ярамас ва чиркин иллатларини очиш орқали ўзлари яшаб турган жамиятни лаънатлайдилар. Бу жиҳатдан асардаги бош қаҳрамон косиб йигит Рустам образи диққатга лойиқдир.

Айни пайтда 30-йилларда қизил салтанат мустамлакачилиги сиёсатига мамлакатда авж олиб кетган маъмур буйруқбозлик, сиёсий қатағонлик билан боғлиқ иллатлар қўшилиб жамият даҳшатли бир тусга кирди. Бу адабиётда ҳам ўз акс садосини топди.

Хуллас, 30-йилларга келиб Ўзбекистонда бадий адабий ижод оғзига кулф урилди ва ўзи занжирбанд этилди. У энди батамом мустамлакачи ва зўровон тузумнинг аянчли қўғирчоқ малайига айлантирилди.

2.2. Тошкент жаид матбуоти (“Тараққий”, ”Хуршид”, ”Тужжор” газеталари мисолида)

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий меросимизга бўлган муносабат қайта тикланиб, аجدодларимиз яратиб кетган бой маданий мерос янгидан ўрганилиб, бу соҳада катта ютуқлар қўлга киритилди. Тошкент бутун Ўрта Осиё жаидчилиқ ҳаракати маркази бўлиши билан бирга, энг кўп миллий марифатчилик ғоялари билан суғорилган жаид нашрлари шу маконда чоп этилди.

Хусусан, Туркистонда биринчи жаид матбуот органи “Тарақий” газетаси Тошкент шаҳрида Исмоил Обидов муҳаррирлигида, 1906 йил 27 июндан этиборан чоп этила бошланган. Унинг таҳририяти Ўратепа кўчаси, 97 уйда жойлашган эди. Газета баҳоси бир йиллиги 5 сўм, олти ойлиги 2 сўм 50 тийин, уч ойлиги 1 сўм 50 тийин бўлган, бир донаси 50 тийиндан сотилган. Газета тўрт саҳифада чоп этилиб, унда эълонлар ҳам босилган.Эълонлар газетанинг биринчи саҳифасида сатрига 40 тийиндан, охири саҳифада сатрига 20 тийиндан босилган. “Тарақий” газетасининг шиори: “Нажот: маслакда сабот, тўғрилиқда ижобат” деб номланган. Нашр “илмий, адабий, сиёсий, фаний, тижорий” газета бўлганлиги унинг ўзида таъкидлаб кўрсатилади.

“Тарақий” Иван Гейернинг “Тарақий-Ўрта Осиё умргузаронлиги” газетаси маблағи асосида чоп этилган. Машҳур маърифатпарвар жаид намоёндаларидан Абдулла Авлоний “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласида “Тарақий” газетаси Иван Гейернинг тўхтолғон газетаси ўрнига чиқди, деса мумкиндир. Унинг обуначиларининг колган ҳаққига

“Тарақий” газетаси юборилди”, деб қайд этилди²⁹.

“Тарақий” газетаси фаолияти ҳақида кенг тадқиқотлар олиб борган журналистика тарихи мутахассиси, олима Назира Абдуазизова қуйидагиларни ёзади: “...гарчи нашр Иван Гейернинг маблағи ҳисобига нашр қилана бошланган бўлса ҳам, унинг ўз олдига қўйган мақсади аввалги газетадан тубдан фарқ қилган”³⁰. “Тарақий”да миллий, ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий масалалар кўтарилиб, муштариоларни “мамлакат хабарлари”, ”хорижий хабарлар”, ”телеграф хабарлари”, ”Тошкент ахбори” рукнлари остида янгиликлардан воқиф этиб турган. Газета маърифат манбаларидан

²⁹ Авлоний А. “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” //”Туркистон” газетаси. 1924 йил 24-июнь, 295-сон.

³⁰ Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. Тошкент, 2000 й.

саналган китоб, газета учун ҳукуматнинг маблағ ажратмаётгани ва бунининг ўзи ҳам билиб турганлигини шундай ўхшатиш билан баён этади: “ҳозирда ижтимои, калом, матбуот учун берилган харит(харажат)лар; тушак устида оғзига сув томизилиб турган оғир хастадек эканини тилсиз ва кўр табиблар ҳам тасдиқ этурлар”³¹.

Мустамлакачилик тузумидан озод бўлиш ғояси ва миллатни тараққий эттириш масаласи газетанинг бош мақсадларидан эди. Шундай ғоя газетанинг 1-сонидagi “Тошкентда 14-июнь” мақоласида ҳам ўз ифодасини топади. Унда: ”Биз мусулмонларни хурриятга ҳақлари борми?”-деб, савол қўйиб, “ Йўқ! Қариндошлар юз маротаба йўқ”- деб жавоб беради. Сабаби маърифатсизлик, илмсизлик ҳукмрон бўлган жамият ҳеч қачон эркинликка эриша олмаслиги таъкидланади. “Тараққий”да миллий жадидларимиз аҳолидан олинадиган солиқлар, юрт ва халқ манфаати учун ишлатилмасдан, “золим ишга ва айш-ишратга” сарфлаётганлигидан зорланаётганлигини билдиради³².

Газетанинг 1906 йил 3 сонида пивоҳўрлик ва ичкибозликнинг кенг тарқалиб кетилаётганлигидан хавотирли фикрлар билдирилади. Шунингдек, “Тараққий”да “фельетон” рукни остида маданий-маърифий масалалар кўтарилиб, таълим тизимини ислоҳ қилиш, замонавий фанларни ўқув дастурларига киритиш, ундан ташқари адабий-танқидий мақолалар эълон қилиб борилган. Жумладан, газетанинг 1-сонида ”Бизни жаҳолат жаҳли мураккаб” деб номланган М.Абдурашидхоновнинг мақоласи берилиб, мактаб ва мадраса дарсларига замонавий фанлар киритилишини тарғиб қилади. Газетанинг 10-сонида, шу рукнда берилган мақолада, Тошкент шаҳрининг Воскресенский маҳалласида Фотих Олдин ва Исмоил ал-Алавий мактабларга

³¹ “Тараққий” газетаси.1906 йил, 1-сон, 1-бет.

³² Қаранг, ”Тараққий” газетаси.1906 йил, 3-сон,1-бет

имтиҳон билан ўқувчи қабул қилганлигини, муаллим Шокир Мухторов ижобий баҳолаб чиқади.

Газета фаолияти жуда қисқа вақт давом этди, аслида нашрнинг ўз олдига қўйган куйидаги мақсади бор эди: “Биз бир моъни сабабидан газетамиз бироз вақтгача қадимги Тараққий исми ила тасмин қилинуб нашр этилса ҳам иншоолло тез фурсатда “Шарқ” исми ила тасмих қилинур”³³. Чор Россияси мустамлакачилик тузуми миллий ғоялар тарғиботчиси бўлган “Тараққий” газетасининг нашр этилишини бир неча ойдан сўнг тўхтатиб қўйди. Шундан сўнг ҳам жаидлар матбуот ташкил этишни янада ривожлантирди. Масалан М. Абдурашидхонов муҳаррирлигида “Хуршид” газетасини чиқарила бошланди. “Хуршид” газетаси ”- деб ёзади А. Авлоний, “1906 йили “Тараққий” тўхтолғондан кейин ўша вақтнинг ёшлари томонидан тузилган бир ширкатнинг моддий кўмаги, Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг масъул муҳаррирлиги орқасида тош босма усул билан чиқа бошлади”³⁴, дейди.

“Хуршид” Тошкент шаҳрининг Занжирлик маҳалласида нашр этилиб, ҳафтада бир марта, “тезда икки уч бор чиқадурғон илмий, адабий, сиёсий, маиший, туркча (яъни, ўзбекча) ” газетадир. Бир донаси беш тийиндан сотилган. Газета саккиз саҳифада нашр этилган. Бу газета ҳам худди “Тараққий” каби биринчи саҳифада ўша куни Тошкентда бўлган муҳим хабарни эълон қилиш билан бошланиб, иккинчи бетда фельетон рукни остида мақолалар босиб чиқарган. Газетадаги “Тошкент хабари” , “Ахбори хорижи” , “Ахбори дохилия” каби рукнлар муштарийларни янгиликлардан воқиф этиб турган.

³³ «Тараққий» газетаси 1- сонли 4-бет.

³⁴ Авлоний А. “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” //”Туркистон” газетаси. 1924 йил 24-июнь, 295-сон.

Газета булардан ташқари Туркистон халқлари олдида турган долзарб муоммаларни ечиб, мустамлакачиликдан озод бўлишга интилувчи мақолалар эълон қилади. Маданият ва маърифатни тиклаш унинг бош ғоясига айланади. “Хуршид” таъқиб остида бўлгани учун атига икки ой давомидагина фаолият олиб борди.

Юқоридаги икки газета тақдиридан кўриниб турибдики, мустамлакачилар ўзларининг сиёсатини миллат тараққиётига, маданияти ва ўзлигини англашига қарама – қарши қўяди.

Миллатпарвар фидоий жаидлар мустамлакачилик сиёсати қанчалик тахқирли ва ҳавфли бўлишига қарамай миллат дардини ўз дарди деб билди. Айниқса бу масалада жаидлар миллий матбуотни биринчи даражада ривожлантиришга катта эътибор бердилар. Бунга “Тужжор” газетасининг 1907-йил 21-августда чиқиши яққол мисолдир. Газета муҳаррири Тошкентлик соҳоватли бойлардан бири Саидкарим Саидазимбоев бўлган.

Баҳоси бир йиллиги беш сўм, олти ойлиги уч сўм, уч ойлиги бир сўми олтмиш тийин, бир ойлиги олтмиш тийин, бир нусхаси олти тийиндан сотилган.

Эълонлар газетада аввалги саҳифада сатрига ўн олти тийиндан, охирги саҳифада ўн тийиндан босилган. У “миллий, сиёсий ва маъиший газетаи исломия” эди. Манзили Петербург кўчасидаги хусусий уйда, деб кўрсатилган.

Газетанинг биринчи сонида муҳаррирнинг “Матбуот илми” мақоласида, нашр таъсис этилишига оид қуйидаги фикрларни ўқиймиз: “... ўтган йил Исмоил Обидов, Мунаввархон Абдурашидхоновлар Тараққий ва Хуршид газеталарни нашр этсалар ҳам ҳукумат хазорага муҳолиф ўлғонлари

сабабли газеталари тўхтатилди. Туркистон мусулмонлари бина, дин, матбуотсиз гўё тилсиз, қулоқсиз қолдилар, ман эмас кўп замонлардин бери суюклик миллатимга холис бир хизмат этмак орзусида эдим, лекин на йўл ила яхшироқ хизмат этмак ўлур мумкин деб фикр ва андиша қилмоқда эдим. Эмди билдимки, Туркистон мусулмонлари ҳеч бир нарсага ўз тилларида ёзилмиш бир газета каби мухтож эмас эканлар”³⁵. Газета мухаррири С.Саидазимбоевнинг бу дарду аламларга тўла, миллат жароҳатига даҳлдор эҳтиросли сўзлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятига эга.

Ўрни келганда шуни ҳам такидлаш жоизки, жаид матбуотидан кувват олган ҳолда Ўзбекистоннинг бугунги миллий матбуоти ўз саҳифаларида жаидчилик ҳаракати тарихини кенг ёритаётганлиги бизнингча, ўта муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи бир маънода, бу жаидлар яратган миллий матбуот жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигидан далолатдир.

“Тужжор” газетасида “Хориж хабарлари”, “Телеграф хабарлари”, “Доҳлий хабарлари”, “Идорага мактублар”, “Идорадан жавоблар” каби рукнларда мақолалар эълон қилинган. Муза хабарлари рукнида, газетанинг 4-сониди шундай маълумотни беради: “1907 йил 30 августда Тошкент шаҳрида савдогарчилик мактаби очилди”.

Газетанинг 5 сониди Тошкент кўча транспорти ҳақида қуйидаги маълумотни ёзади: “Тошкент шаҳрида юриб турғон кунги аробалариға ўтган 1902 санада жами уч миллион 277 минг, 62 нафар одам тушубдур ва ҳам ул кунги аробаларини ҳар бири ушбу 1902 йилги санада кунги соҳиблариға ондарик 9 минг сўмдан тоза ҳосил берубдурлар ”. Булардан ташқари газетада яна бир муҳим масала, вабо касалидан эҳтиёт бўлиш ҳақида, Қўқонда тижорат мактаби очилгани ҳақида, ўқув даргоҳларининг қурилиши, очилиши

³⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: 2008 й. 49-бет.

ва улардаги шароитлар ҳақида, ҳамда фельетон рукни остида мақолалар эълон қилади. Жумладан 11-сонида “Газет надур” мақоласи эълон қилиниб Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида аҳолининг кўпчилиги газета тушунчасидан беҳабарлигидан афсусланилади.

Тошкент жаид маърифатпарварлари 1909 йилдан кейин рус чоризмининг сиёсати туфайли 1914 йилгача ҳеч қандай нашр чиқара олмайди. Юқорида санаб ўтилган матбуот нашрлари мустамлака сиртмоғи ичида ёзилган бўлса ҳам, эркин фикрлар, ҳурриятни ифода этувчи ғоялар, илм маърифатни ва маърифатли ёшлар билан аста секин озодлик сари қадам ташлай олишига ишонган миллий маърифатпарварларимизнинг нақадар жасорат кўрсатганлиги ва фидойилигидан далолат бериб турибди.

Президентимизнинг маърифатпарвар ва ҳурлик тарафдорлари, Туркистон жаидлари ҳақида айтган қуйидаги фикрлари алоҳида эътиборга моликдир: “... юзлаб маърифатпарвар, фидоий инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур ҳаловатидин кечиб, эл улус манфати, юртимизни тараққий топдириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди!”³⁶

³⁶ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi Toshkent- 2008, 4-bet.

Хулоса

Мустамлакачилар онгли равишда мактаб ва мадрасаларга, газета-журналларга рухсат бермаган. Агар мактаб ва мадрасалар очилса, ғафлатдаги халқ оммаси уйғониши аниқ эди. Туркистонда маънавий ҳаётнинг асосий негизи ҳисобланган ислом дини дахлсиз сифатида сақланган бўлса - да, лекин дин пешволарининг халқ орасидаги, жамиятдаги ролига қаттиқ таъсир кўрсатди ва таъқиб остига олганди. Масалан: вақф ерларини қисқартириш йўли билан иқтисодий тангликни яратиб қўйди. Арзимаган ҳаракати учун дин пешволарини панисломизм ва пантуркизмда жазолар эди.

Мустамлакачилик даврида халқнинг маънавий бойлиги бўлган тарихий ёдгорликларни вайрон қилиш билан ҳам қашшоқлантиришга киришдилар. Буни яхши биласизлар. Туркистонликларни жаҳон тараққиётидан фан ва маданиятда орқада қолдиришга уринди ва маълум даражада бунга эришди ҳам. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида вужудга келган жадинларнинг биринчи навбатда бош мақсадлари, халқнинг саводини чиқариш ва жаҳон андозаси даражасида билимини, дунёқарашини оширишга киришдилар. Бунинг учун иқтидорли, зукко ёшларни ўқитиш учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга жўнатиш керак. М.Бехбудийнинг «Эҳтиёжи миллат» (1909 йил), Ҳамзанинг «Муаллиф афандиларга улуғ рижомиз» (1914 йил), Чўлпоннинг «Дўхтир Муҳаммадиёр» (1915 йил) каби мақолаларида баён этилди.

Рус ҳукумати Туркистон халқини саводсизликда ва қолоқликда сақлашни мустамлакачилик сиёсатида асосий мақсади эди. Чунки халқ канчалик саводсиз бўлса, хўжайинга шунча муте бўлади. Жадинлар рус ҳукуматининг бундай реакцион сиёсатига қарши, халқ оммасини маърифатга ва маънавиятга етаклаш ҳаракатини янада кучайтириб борди. Жадинларнинг

рахбарлари ўлкада иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий қарашларни белгилаб, бошқариб борди. миллий буржуазия вакиллари, руҳонийлар, зиёлилар, умуман халқнинг илғор вакиллари ўлкада олиб борилаётган улуг миллатчилик сиёсатига қарши курашда жадинлар билан бирлашиб борди.

Демак, Туркистондаги жадинчилик четдан, бирон-бир давлатдан, кўр - кўрона киритилган ҳодиса эмас экан. Жадинчилик Туркистон ўлкасидаги тарихий шарт-шароитдан, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий вазиятдан келиб чиққан тарихий воқеийлик, деб қараш тўғри. Жадинларнинг биринчи вазифаси, оммани саводли қилиш, ўқитиш, миллий ҳис-туйғуларни, сиёсий онгини ўстириш эди. Бу дегани, ҳали уларда сиёсий ғоялар, мақсадлар йўқ деган гап эмас.

Жадинчилик - янгиланиш бўлиб, ғарб маорифини қабул қилиш-ғарблашишни тамал қилиб олган эди. Ўзбек халқи тарихида XX асрнинг бошланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Мамлакат ҳаётида ижтимоий - сиёсий, маданий - маърифий ўзгаришлар билан белгиланди. Ватаннинг онгли, юқори савиядаги қатлами халқни янги маданиятга, янги маърифатга чақириб миллатни уйғотиш, миллий онгни ошириш зарурлигини англаб етди.

Миллатни, унинг динини ҳимоя қилиш учун энг аввал мактабларни заминга мувофиқ ислоҳ этиш, фарзандларнинг жисмоний, руҳий, диний тарбияларига ниҳоятда катта эътибор бериш кераклиги хусусида жадинлар билдирган фикрлар, бугунги кунда Президентимиз И. Каримов томонидан янада илмий таҳлиллар асосида тўла амалга оширилмоқда. Юртбошимиз шундай ёзади; "Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан эса, биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди".

Шу мақсадда 1992 йил 2 июлда мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон мустақиллигига эришган

дастлабки кунлардан бошлаб, энг муҳим масалалардан бири эскича тафаккурдан, эътиқоддан қутилган, истиқлол учун, ўз она юрти учун хизмат қиладиган фидойи авлод - фарзанд тайёрлаш масаласидир. Жаидлар орзу қилган озод, мустақил Ўзбекистонимизнинг йўлидаги биринчи қадамлариданоқ миллат таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда.

Президентимиз И. Каримов "Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" номли асарида алоҳида қайд этиб, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналарини акс эттирган дарсликлар тузиш, хорижий тилларни мукаммал билиш, ўқитувчи кадрлар савиясига эътибор, ихтиёрий касб-хунар ўргатишни жорий этиш каби тамойиллар ўтган асримизнинг бошларидаёқ жаидчилик вакиллариини ўйлантирган ва уларнинг бу йўлдаги бевосита саъйи-ҳаракатлари бугунги таълим соҳасидаги ислохотларнинг пойдевориға замин яратди, десак хато эмас.

Жаид зиёлилари Туркистонда қисқа вақт ичида катта бир халқнинг миллат сифатида шаклланишиға, ижтимоий онги уйғонишиға, дунёқараши ўзгариб, эстетик диди камол топишиға имкон яратди.

Мунаввар Қори Туркистон ўлкасининг қолоқлиги сабабларини излар экан; “Мана, кет-бакет етган бундай саволларға жавоб бермак учун нодонлиқ ва оламдан хабарсизлиқ, демакдин бошқа чора йўқдир. Бу нодонлиқ ва дунёдан хабарсизлиқ балосидан қутулмоқ учун аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак ва ўрганмак керакдир”, дейди у. У театр санъатиға ана шу “бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак” ва тузатмак муасасасай, “табиби ҳозик” деб қаради³⁷.

³⁷ Ватан тарихи. Иккинчи китоб... 298-бет.

Жадидлар инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча виждони уйғонмаслигини, виждони уйғонмаса на ўзининг, на халқининг эркини муҳофаза қилаолишини, бу-имонсизлик эканини мутафаккирона нозиклик билан ўз асарларида кўрсатиб бердилар. Бу улуғвор йўлда у мардоновор ва қаҳрамонларча курашдилар.

Жадидлар миллатни маърифат нури билан қайта жонлантириб, илму урфон орқали истиқболга, истиқлолга етишишни кўзладилар. Бу йўлда мактаб, маориф, матбуот, хайрия жамиятлари қатори бадиий ижод ва театр санъатининг ҳам буюк аҳамиятини англаб етдилар. Улар европача театр ва адабиётнинг янги-янги жанрларини Туркистон маданий ва маънавий ҳаётига жорий этар эканлар, халқ оғзаки драмасининг муайян шаклларида баҳраманд бўлдилар.

Дарҳақиқат, театр-дунё, дунё эса томошахона. Саҳна айлангани каби дунё ҳам ҳамиша айлана ҳаракатда. Келажакни кўзлаган одам ўтмишни, кечмишни ўйлаши, бугунини ростлаши зарур. Келажак ўтмишдан бошланиши маълум гап. Мустақил давлат пойдеворини тиклар эканмиз, ўтмишдан, хусусан яқин тарих-жадид зиёлиларимиз сабоқларидан ибрат олмаслигимиз мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ» 1998 йил
2. «Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақил тараққиёт учун кураш». Тошкент, «Университет», 1999.
3. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. «Шарқ», Т., 2001.
4. Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т.: Шарқ, 1997 йил.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент 2000.
6. Гаспринский И. Туркистон генерал-губернаторига мактуб. Русчадан С.Холбоев тарж. // Туркистон. 1995. № 2, 56-58-бетлар.
7. Остроумовнинг жавоби (Гаспринскийнинг мактубига.) Русчадан С.Холбоев тарж. // Туркистон. 1995. № 1. 42-43-бетлар.
8. Миллий давлатчилиқни тиклаш ва озодлик учун кураш. Жадидчилик ҳаракати // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000. 342-412-бетлар.
9. Тарихнинг бурилиш нуқтаси. Ўзбекистон 1917-1924 йилларда // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000. 10-302-бетлар.
10. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т. Шарқ. 2000.
11. Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. (Илмий мақолалар, илмий-танқидий матнлар тўплами). Т. Университет. 1993.

- 12.Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик) Халқаро конференция материаллари. (1999 йил 16-18 сентябр. Тошкент). Т. Маънавият. 2001. 6, 10, 13 август, 17 август-сонлари.
- 13.Ризаев Ш. Жадидчиликка оид икки ҳужжат // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 4.
- 14.Ризаев Ш. Миллий уйғониш даври сабоқлари (Жадидчилик даври) // Маърифат. 1996 30 март.
- 15.Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т. Шарқ, 1997.
- 16.Ризаев Ш. Жадидлар ва 1916 йил қўзғолони ёхуд нега улар ғалаёнга қарши чиқдилар // Маърифат. 1996 4 май.
- 17.Ражабов Қ. Жадидлар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоси // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т. Университет. 1999.
- 18.Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш тарихи ҳақида (1920-1924 йиллар). Т. Маънавият. 2002.
- 19.Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // ЎзМЭ. 3 жилд. 494-496-бетлар.
- 20.Ражабов Қ. Ёш бухороликлар. // ЎзМЭ. 3 жилд 498-500-бетлар.
- 21.Рашидова Н. Тикланган ҳақиқат. Кимлар, нима учун жадидларга қарши бўлганлар? // Маърифат. 1990 13 янв.
- 22.Шамсутдинов. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон. «Мерос», 1994.
- 23.Шамсутдинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма «Мулоқот», 1991, 11-12-сонлари.
- 24.Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ў.Убайдуллаев Ватан тарихи.(ХУ1-XX аср бошлари) Иккинчи китоб. Т.: Шарқ, 2003 йил.

- 25.Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи. Учинчи китоб. Андижон: Андижон нашриёти, 2004 йил.
- 26.Шамсутдинов Рустамбек. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар Т., «Шарқ».2001.
- 27.Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Истиқлол учун кураш фидойилари. Андижон. «Мерос», 1993.
- 28.Шамсутдинов Р. Андижон тараққиёпарварлари «Андижоннома», 1999 йил 30 июль, 3, Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. № 1. Т. Университет. 1999.
- 29.Ўзбекистон тарихи. Янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. 1998 й. 9 октябр Т. «Эльнур».